Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

17 июль 1971 йил, шанба ◆ № 163 (15.033). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСДА

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети «1971—1975 йилларда темир йўл транспортини ривожлантириш тўғрисида», «Саноат, темир йўл транспорти ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарорларни ҳамда ВЦСПС билан биргаликда «Темир йўл транспорти ва метрополитенларда энг оз иш ҳақи миқдорини ошириш ҳамда ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг ставкалари ва маошларини ошириш тўғрисида ва темир йўл транспортида кадрларни мустаҳкамлаш чоралари ҳақида» қарор қабул қилдилар.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташиш хусусида тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун темир йўл транспортини техника жиҳатидан янада қайта қуроллантириш мақсадларида КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети фан ва техника энг янги ютуқларини кенг кўламда жорий этиш, ҳаракат состави, машина ва механизмларнинг энг прогрессив турларини, асосий ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган ҳолда янада такомиллашган технология процессларини кенг кўламда жорий этиш, мавжуд резервларни топиб, уларни реализация қилиш асосида темир йўл транспортининг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан ўтказиладиган тадбирларни тасдиқладилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорида янги темир йўлларни, иккинчи йўлларни, автомат блоклаш ва марказлашган диспетчерлик қурилмаларини ишга тушириш, темир йўлларни электрлаштириш юзасидан 1971—1975 йилларнинг топшириқлари белгиланган.

Темир йўл транспортига 420-430 мингта магистрал юк вагонлари, 16 мингта пассажир вагонлари, салкам 6 мингта магистрал тепловоз секциялари, 2 мингта электровоз, 3 мингта маневр тепловози ва камида 7,8 миллион тонна рельс етказиб бериш кўзда тутилган.

Йўллар министрлиги билан транспорт қурилиши министрлигига темир йўл станцияларини ва узелларини реконструкция қилиш, темир йўллар юк хўжалигини ривожлантириш, Москва, Ленинград, Киев, Горький ва бошқа бир канча шаҳарларда ҳисоблаш марказлари қуриш, ҳаракат составини ремонт қиладиган ва запас қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни реконструкция қилиш ва қуриш, шунингдек, темир йўлчилар учун уй-жойлар, мактаблар, болалар муассасалари ва касалхоналар қуриш юзасидан топшириқлар берилди.

Темир йўлларнинг ишлаб турган шохобчаларига термик жиҳатдан ишлов берилган янги рельслар ётқизиш, чоксиз йўллар узунлигини, темир-бетон шпалларда ва шағал заминда ётувчи асосий йўлларни узайтириш ҳисобига йўлнинг юқори қатламини кучайтириш юзасидан катта ишлар ўтказиш мўлжалланади.

Йўллар министрлигига темир йўл транспортининг ички резервларидан, жумладан, ҳаракат тезлигини ва поездларнинг вазнини ошириш, вагон оборотини жадаллаштириш, вагонларнинг салт қатновини қисқартириш, шунингдек, маршрут бўйлаб ташиладиган юклар даражасини оширишдан янада тўлароқ фойдаланиш бўйича бир қанча чораларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Юк жўнатувчи ва юк олувчи министрликларга, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, йўллар министрлигига, СССР Госснаби билан СССР Госпланига темир йўл транспортида ортиқча узоқ, бир-бирига қарама-қарши ва бошқа хил норационал юк ташишларга барҳам бериш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш таклиф этилди.

Шу билан бир вақтда ҳаракат составидан фойдаланишни янада яхшилаш мақсадларида юк жўнатувчи ва юк олувчи министрликлар ва идоралар, шунингдек иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва Йўллар министрлиги вагонларнинг юк ортиш ва тушириш учун тўхташини янада қисқартириш, ташиладиган юкларни ҳафтанинг ҳамма кунларида бир маромда бериб туриш ҳамда темир йўл станцияларидаги, денгиз ва дарё портларидаги юкларни ўз вақтида олиб кетиш юзасидан қўшимча чоралар кўрмоқлари керак.

Машинасозлик министрликларига 1971—1975 йилларда темир йўл транспортига бериладиган электровозлар, тепловозлар, юк вагонлари ва пассажир вагонларининг, йўл ишларини, юк ортиш, тушириш ва бошқа хил сермеҳнат ишларни механизациялаштирадиган юк кўтарувчи ва транспорт машина-ускуналари ҳамда воситаларининг техникавий даражасини, сифатини ва пишиқлигини оширишни таъминлаш юзасидан кўриладиган тадбирларни бажариш вазифаси топширилди.

Саноат темир йўл транспорти ишини яхшилаш тўғрисидаги қарорда саноат темир йўл транспортини техника жиҳатдан реконструкция қилишни тезлаштириш ва паровозларни асосан электровоз ва тепловозларга алмаштиришни поёнига етказиш, саноат темир йўл транспортини ихтисослаштирилган вагонлар билан таъминлаш, йўл хўжалигининг қувватини зўрайтириш ҳамда юк ортиш, тушириш ва йўлдаги ремонт ишларидаги оғир жисмоний меҳнатни тугатиш учун машина ва механизмлар комплексини жорий этиш юкларни контейнерларда ва пакет қилиб ташишни барча чоралар билан кўпайтириш асосида унинг иш самарадорлигини юксалтириш СССР министрликлари ва идораларининг ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг энг муҳим вазифасидир, деб кўрсатилади.

Айни мақсадларда саноат темир йўл транспортига янги кучли тепловозлар, электровозлар, магистрал юк вагонлари, шунингдек махсус ҳаракат состави ва бошқа хил техникавий воситалар ва механизмлар етказиб бериш мўлжалланади.

СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари саноат темир йўл транспортининг ишидаги камчиликларга барҳам бериш тадбирларини амалга оширгач, 1972 йилдан бошлаб планларда саноат темир йўл транспортини реконструкция қилиш масалаларини мустақил бўлим қилиб кўрсатишлари ва темир йўл транспортини техника жиҳатидан яна қайта қуроллантириш юзасидан конкрет топшириқлар белгилаб қўйишлари керак.

СССР Госстройи иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари қатнашувида саноат транспортини комплекс равишда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, шунингдек, мамлакатнинг асосий саноат районларида корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар транспортини комплекс равишда ривожлантириш бош схемаларини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Қарорда 1971—1975 йилларда кўмир саноати, энергетика ва электрлаштириш, қора ва рангли металлургия, бинокорлик материаллари саноати, ўрмон саноати ва ёғочсозлик саноатига қарашли саноат темир йўл транспортини ҳамда РСФСР автомобиль транспорти министрлигига қарашли тармоқлараро бирлашган транспорт хўжаликларини ривожлантириш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш юзасидан бажариладиган тадбирлар тасдиқланган.

СССР Госпланига СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик план лойиҳасида ҳамда йиллик планларда қарорда белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур бўлган ҳаракат состави, материал, машина ва механизмлар ишлаб чиқариш ва етказиб берилишини кўзда тутиш вазифаси топширилган.

СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети ўзининг координация планларида прогрессив транспорт турларини ва серунум юк ортиш, тушириш системаларини оғир қўл меҳнати ишлатилишига барҳам берувчи ҳаракат состави конструкцияларини билан бир комплекс қилиб ривожлантирилишини кўзда тутмоғи керак.

Йўллар министрлигига саноат темир йўл транспортига, жумладан, ҳаракат составининг йўл машиналари кранлари ва бошқа механизмларни ремонт қилишда техникавий ёрдам бериш вазифаси, шунингдек, саноат темир йўл транспортининг эҳтиёжлари учун темир йўл паркидан вагонлар ва ремонт қилинган рельслар етказиб бериб турилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети халқ хўжалиги ва аҳоли юк ташиш эҳтиёжларининг бетўхтов ва тўла қондирилишини таъминлаш учун темир йўл транспорти ишини яхшилашга катта аҳамият бериб, иттифоқдош республикалар компартиялари марказий комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетларига темир йўлларни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, уларнинг юк ташиш ва юк ўтказиш қобилиятларини ошириш топшириқларининг бажарилиши қандай эканлигини мунтазам равишда қараб туриш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш, темир йўл транспорти корхоналари ва қурилишларига зарур ёрдам кўрсатиб туриш, шунингдек, саноат темир йўл транспортини ривожлантириш, унинг техникавий воситаларидан фойдаланишни яхшилаш ва транспорт харажатларини камайтириш юзасидан белгиланган топшириқларнинг бажарилишини мунтазам равишда назорат қилиб турилишини таъминлаш вазифаларини топширди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ишонадиларки, мамлакатимизнинг темир йўлчилари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, темир йўл транспортини янада юксалтириш учун партия ташкилотларининг раҳбарлигида ҳамма куч-қувватларини сарфлаб, халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташишга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжлари имкони борича тўла қондирилишига эришадилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг қарори билан темир йўл транспортидаги, шунингдек метрополитенлардаги минимал иш ҳақини ошириш ҳамда ўртача ҳақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг (шу жумладан, янги қурилаётган темир йўллардаги вақтинча фойдаланилаётган бўлинмалар ходимларининг) ставка ва маошларини кўпайтириш кўзда тутилган. Бунга қўшимча темир йўлларнинг меҳнат шароити жиҳатидан энг оғир айрим участкаларидаги ходимлар учун оширилган тариф ставкалари ва лавозим маошлари белгиланади.

Локомотив бригадаларининг ишчиларига бир ёки бир неча хил локомотивларни бошқариш ҳуқуқи бўлишига қараб малака класси учун ҳар ой қўшимча ҳақ тўлаб турилади.

Темир йўл транспорти корхоналарининг эксплуатация ишида банд бўлган ходимларига бир корхонадаги узлуксиз иш стажига қараб қўшимча йиллик ҳақ тўланадиган отпускалар бериш белгиланди.

Магистрал темир йўллардаги энг яхши поезд тузувчилар ҳамда вагон назоратчи-ремонтчилари учун «Поезд тузиш устаси» ҳамда «1-класс вагон назоратчиси ва ремонтчиси» деган унвонлар жорий этилиб, ана шу унвонларга эга бўлган кишиларнинг иш ҳақига ҳар ой қўшимча пул бериб турилади.

Темир йўл транспорти корхоналарининг темир йўлларнинг меҳнат шароитлари жуда оғир бўлган айрим участкаларида ишга юборилувчи мутахассислари ва малакали ишчилари учун оширилган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа белгиланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС темир йўл транспорти ва метрополитенлар ходимлари иш ҳақини ошириш ва уларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг амалга оширилиши темир йўлларнинг юк ўтказиш ва юк ташиб олиш резервларидан фойдаланишни яхшилашга, янги техникани жорий этишни тезлаштиришга ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга, шунингдек пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилашга ёрдам беради, деб ҳисоблайдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

16 июлда Тошкентда саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг I сессияси давом этди.

Республика Олий Советининг учинчи мажлиси Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **С. Есимов** раислигида очилди. Шу мажлисда КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида республика меҳнаткашлар депутатлари советларининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Н. М. Матчонов** докладини муҳокама қилиш давом этди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **А. Султонхўжаев** (450-Уллубоғ сайлов округи), **А. А. Юриц** (445-Тахтакўпир сайлов округи), **Ч. Алматов** (313-Сурхон сайлов округи), **В. Содиқов** (395-Калинин сайлов округи), **Н. Қаюмов** (375-Қорақўшчи сайлов округи) иштирок этдилар.

Олий Совет «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида республика меҳнаткашлар депутатлари советларининг вазифалари тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Кун тартибидаги еттинчи масала — меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари, шаҳардаги район Советлари тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳалари ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари депутат **А. С. Абдалин** доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда депутатлардан **Ҳ. Асомов** (52-Дўмбиробод сайлов округи), **Д. Ешимбетов** (457-Чимбой қишлоқ сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Танаффусдан сўнг мажлисга Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** раислик қилди.

Депутат А. С. Абдалин доклади юзасидан музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутат **Ҳ. Умаров** (364-Водил сайлов округи), Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси **В. Д. Лисин** қатнашдилар.

Олий Совет меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунларини бир овоздан қабул қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССРнинг 1970 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисида республика Молия министри депутат **В. Муродхўжаев**нинг доклади тингланди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **А. Қ. Каримов** (330-Ленинград сайлов округи), **Ф. Хўжаев** (220-Энгельс сайлов округи), **К. Раҳимбоева** (44-Гагарин сайлов округи), **Е. Панаев** (446-Қораўзак сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРнинг 1970 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисида»ги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Шу билан саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

МАШИНАЛАР ШАЙ БЎЛСИН

Тошкент ва Сирдарё областлари меҳнаткашларининг теримни комплекс механизациялашга даъват этувчи ватанпарварлик ташаббусини якдиллик билан маъқуллаймиз.

Деҳқончилик, хусусан пахтачиликка кўз ташласак, ҳамма оғир ишларни машиналар бажараётганининг гувоҳи бўламиз. Ер ҳайдашдан тортиб, пахта теримигача бўлган ишларни машиналар бажаряпти, терим ҳам тобора кўпроқ машиналаштириляпти. Масалан, бизнинг колхозимизда 1966 йилда жами 800 тонна пахта машиналарда терилган бўлса, 1970 йилга келиб бу рақам 2.230 тоннани ташкил этди. Бу йил камида 3.000 тонна «оқ олтин»ни машиналарда териб олишни планлаштирдик. 1975 йилга бориб, 90 процент ҳосилни «зангори кема»ларда йиғиб олишни кўзда тутмоқдамиз.

Бундай мажбурият қабул қилишимизнинг асоси бор. Автотрактор паркимиздаги хилма-хил машиналар сони кейинги йиллардагина бир ярим — икки баравар кўпайди, устахона кенгайтирилди. Энг муҳими — техника воситаларини моҳирлик билан бошқариш қўлидан келадиган механизатор кадрлар сони ортди, ҳозир хўжалигимизда 145 механизатор бор. Кузгача улар сонини яна 40 кишига кўпайтирамиз.

Яқинда механизаторлар тўпланиб, ўзаро маслаҳатлашиб олдик, теримни тўла машиналаштиришга қаратилган тадбирлар белгиладик. 30 та терим машинамиз бор. Правлениеда терим бошлангунча яна бешта машина харид қилинишини айтишди. Демак, мавсумда далаларимизда 35 та машина ишлайди. Шунга етарли кадрлар бор. Машиналарни икки сменада ишлатамиз, ҳар бир машинанинг кунлик иш унумини бултургига нисбатан 35-40 процент оширамиз. Мавсумда бир машинада 100 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механик-ҳайдовчи бўлмайди. Ашурали Ниёзов, Алижон Маҳкамов, Гадой Даминов, Адаш Мирзаев каби механик-ҳайдовчилар мавсумда 150-200 тонна пахта териш мажбуриятини олдилар. Ўзим 250 тонна пахтани бункерлардан тўкишга сўз бердим.

Машина терими тақдирини мўл ҳосил ва ғўза баргини энг яхши агротехника муддатида тўктириш ҳал қилади. Ҳосилнинг чўғи ёмон эмас. Лекин июль ойининг қолган кунлари, бутун август ойи давомида ҳосилга ҳосил қўшиб борсак, уни тўкилишдан сақлаб қолсак, барвақт етилишини таъминласаккина кўзлаган мақсадимизга эришамиз. Ҳамма имкониятларни ҳисоблаб чиқиб ҳар туп ғўзада 18-20 бўлик кўсак етиштиришга аҳд қилдик.

Ғўза баргини сунъий усулда тўктириш муддатини ҳам келишиб олдик. Кўсакларнинг 60-65 проценти очилганда заҳарли химикатларни сепамиз, ишни сифатли қилиб ўтказамиз бир марта дори сепилган участкада иккинчи марта самолётларнинг учишига эҳтиёж қолмайдиган иш қиламиз.

Ғўзалар қийғос ҳосил тўплаяпти. Лекин сув камчил бўлиб, вақтида суғора олмаяпмиз. Бундай кезда доғда қолмаслик чораларини кўрмоқдамиз. Жумладан, икки томонлама культивация ўтказиб, қатор ораларини шамоллатиб турибмиз, ўсимликнинг қуёш нуридан яхши баҳра олишига шароит яратяпмиз. Культивация чуқур ўтказилиши туфайли ерда нам узоқ вақт сақланиб қоляпти. Биз ғўза парваришини янада кучайтириш билан юқори ҳосилга мустаҳкам замин яратамиз.

Терим машинамни мавсумга шайлаб қўйдим, қайси пайкалларда терим ўтказишни белгилаб олдим. Ҳамкасб дўстларимдан уч кишини социалистик мусобақага чақирдим.

Саттор РАҲИМОВ,
Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхознинг механизатори.

ЕМ-ХАШАК МЎЛ БЎЛАДИ

Денов районидаги генерал Собир Раҳимов номли колхознинг Ҳуррамбой Кобилов бошлиқ сут-товар фермаси коллективи 30 гектар майдонда маккажўхори етиштирган эди. Коллектив ҳар гектар майдондан 640 центнердан кўк поя йиғиштириб олди. Бу ишда комбайнчилардан Аҳад Халилов ташаббус кўрсатди.

Фермада 10 гектар ерга ҳашаки лавлаги экилиб, илғор агротехника асосида парвариш қилинаётир. Колхозда биринчи экиндан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгор қилиниб, такрорий экинлар экилмоқда.

Ж. МАМАРАИМОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА КОМИССИЯЛАРИДА

15 июлда Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Совети транспорт ва алоқа комиссияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Комиссиялар йўл қурилишидаги нуқсонларни бартараф этиш юзасидан конкрет тавсиялар кўрсатилган қарор қабул қилдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Саккизинчи чақириқ республика Олий Советининг биринчи сессиясида сайланган Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари 16 июлда ташкилий мажлисларни ўтказдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг иши тўғрисидаги Низом билан танишдилар.

Доимий комиссиялар яқин орадаги давр учун ўз иш планларини тасдиқладилар. Иш планига КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга доир хўжалик ва маданий қурилишнинг актуал масалалари киритилди. (ЎзТАГ).

ЮКСАК МУКОФОТ

Коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари учун ҳамда Ажария АССР тузилган куннинг 50 йиллиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми Ажария автоном совет социалистик республикасини Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **Ғ. Нажимов**ни партия ишига ўтганлиги муносабати билан республика Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон телеграф агентлиги директори вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарорига биноан **Р. Саҳибоев** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон телеграф агентлиги (ЎзТАГ)нинг директори қилиб тайинланди.

СССР ХАЛҚЛАРИ БЕШИНЧИ ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети СССР халқлари бешинчи ёзги спартакиадаси иштирокчиларини, барча совет физкультурачилари ва спортчиларини, физкультура ташкилотларининг ходимларини қизғин табриклайдилар ҳамда физкультура ва спортни ривожлантиришда, Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлашда уларга янги катта муваффақиятлар тилайдилар.

Совет физкультураси мамлакатимиз қардош халқларининг спорт қобилияти барқ уриб яшнаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Совет физкультураси совет кишиларини тарбиялашнинг муҳим социал омили бўлиб қолди, меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва яхши дам олишни уюштириш учун актив фойдаланилмоқда.

СССР халқларининг бешинчи спартакиадаси — мамлакатимизнинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Спартакиада совет физкультура ҳаракати эришган муваффақиятларнинг чинакам кўриги бўлди. Спартакиадада ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ўқувчи ёшлардан 44 миллиондан ортиқ киши қатнашди. Спартакиада ўзининг юксак маҳоратини кўрсатган жуда кўп янги спортчиларни рўёбга чиқарди.

КПСС XXIV съездининг қарорлари физкультура ва спортнинг оммавий турларини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратиб беради. Тўққизинчи беш йилликда физкультура ҳаракатининг моддий базаси кенгаяди ва шу туфайли совет кишиларининг физкультура ҳамда спорт машғулотларига бўлган интилишларини янада тўлароқ қондириш учун шароит вужудга келтирилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети мамлакатимиз физкультура ташкилотларининг ходимлари ва спортчилари бундан кейин ҳам физкультуранинг чинакам умумхалқ мулки бўлиб қолишига, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик ҳаётига чуқур сингиб кетишига эришадилар, совет кишиларини меҳнатсеварлик ,мустаҳкам ирода, мардлик руҳида улуғ социалистик Ватанимизни ҳимоя қилишга ҳамиша шайланиб туриш руҳида тарбиялаш мақсадида физкультура ва спортдан янада кенг миқёсда фойдаланадилар, деб ишонч билдирадилар.

Физкультурачилар ва спортчилар, спортда юксак натижаларга, Европа, жаҳон чемпионатлари ва олимпиада мусобақаларида янги ғалабаларга эришингиз, совет спорти байроғини баланд кўтариб борингиз!

Коммунизм қураётган улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин бизнинг қудратли социалистик Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.**

Андижон область, Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхознинг азаматлари чорва учун мўл-кўл озуқа жамғаришни янада кучайтириб юбордилар. Суратда: колхозда беда ўрими тасвирланган. Ўрилган бедадан пешма-пеш сенаж тайёрланяпти.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТ Н. М. МАТЧОНОВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Қ. А. АҲМЕДОВ нутқи

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Сирдарё область партия комитети Советларнинг фаолиятига кўп эътибор бермоқда, уларнинг ўз ишидаги асосий йўналишларни белгилаб олишга, хўжалик ва маданий қурилишда, план, молия ва ер масалаларини ҳал этишда, меҳнат ресурсларидан фойдаланишда кенг ваколатларидан тўлиқ фойдаланишларига ёрдам бермоқда.

Партия ташкилоти депутатларнинг активлигини ошириш, ўз ҳуқуқларидан фойдалана билишлари ҳаль хўжалигига раҳбарликни яхшилаш учун жуда катта имкониятлар яратиб беражагини яхши билади.

Депутатларнинг талайгина қисми амалий иш тажрибасига эга бўлмаганлиги сабабли уларни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қилинмоқда. Район ижроия комитетларида «Депутатлар куни» мунтазам ўтказилмоқда. Район, қишлоқ ва посёлка Советларининг депутатлари ана шу «Депутатлар кунлари»да совет қурилиши назарияси ва практикаси масалалари билан депутатлик иши формалари ва методлари билан танишиб чиқадилар.

Область партия комитети совет кадрларининг малакасини оширишга жиддий эътибор бермоқда. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раҳбарларининг семинар машғулотлари мунтазам уюштирилмоқда. Улар бу машғулотларда совет аппаратининг хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги амалий фаолиятига доир масалаларни ўрганмоқдалар.

Пахтакор райони партия ташкилотларининг Советлар фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб, ишчанлик ва ижодий иш вазиятини қай тарзда вужудга келтирадиганликларидан далолат берувчи муҳим мисол бўла олади. Район партия комитетининг бюросида район ва қишлоқ Советларининг ҳисоботлари мунтазам суратда муҳокама қилиб турилади. Бу районда депутатлар билан доимий алоқа яхши йўлга қўйилган, депутатларнинг машғулотлари систематик равишда ўтказилмоқда, уларнинг депутатлик бурчидан ижодий фойдаланишлари учун шарт-шароит яратиб берилган.

Шу билан бирга эътироф этиш керакки, областдаги маҳаллий Советларнинг фаолиятидаги катта камчиликлар ҳали тугатилган эмас. Областдаги баъзи маҳаллий органлар ўз ишларини замонавий талабларга мувофиқ тез ва кескин суратда қайта ташкил этмаётганлиги, Бизда илгор советлар, уларнинг ижроия комитетлари, депутатлар ва жамоат ташкилотларининг иш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш суст қўйилган.

Область партия ташкилоти ҳозирги вақтда камчиликларни йўқотиш, Советларнинг активлигини, уларнинг обрўсини ошириш вазифалари билан шуғулланмоқда.

Область партия ташкилоти ва маҳаллий Советлар шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг куч-ғайратини КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга сафарбар қиладилар ва тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йилида янги муваффақиятларга эришадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ. **(Қарсаклар).**

Депутат И. К. ТИТКОВ нутқи

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Самарқанд областининг партия ташкилотлари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига амал қилиб, маҳаллий Советларга кўп эътибор бермоқда. Советлар ва Советлар ижроия комитетларининг фаолиятини такомиллаштириш, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ошириш масалалари партия комитетларида мунтазам равишда кўриб борилмоқда.

Советларнинг ишига партиянинг таъсири коммунист депутатлар орқали ўтказилмоқда. Область Совети партия группасининг мажлислари мунтазам равишда ўтказилиб турибди, ҳар бир сессия олдидан коммунист депутатларнинг ўз вазифаларини сайловчиларнинг наказларини қандай бажараётганликлари тўғрисида берган ахборотлари тинглаб борилади. Давлат бошқариш аппаратидаги раҳбарлик ланозимларига малакали мутахассислар, яхши ташкилотчилар танлаб қўйилди.

Область ижроия комитети ҳузурида тузилган ташкилий Совет иши кабинети самарали ишлаб турибди. Каттақўрғон шаҳар ижроия комитетида ва кўпгина район ижроия комитетларида худди шундай кабинетлар тузилди. Баъзи қишлоқлар ва посёлка Советларида депутатлар хонаси вужудга келтирилди.

Сессияларни чақириш муддаталарига амал қилмасликка сўнгги йилларда барҳам берилди, депутатларнинг активлиги ошди. Хўжалик ва молия масалаларини ҳал этишда, маҳаллий саноатни ривожлантиришда, аҳолига хизмат кўрсатишда маҳаллий Советлар кўпроқ фаолият ва ташаббус кўрсата бошлади. Кўпгина депутатлар сайловчилар билан яқин алоқа боғлаб, улар олдида ҳисоб бериб турибдилар. «Ленинча жумаликлар»да депутатларнинг қатнашуви, Советларнинг сессияларида ижроия комитетларининг мунтазам равишда ҳисоб бериб туриши одат тусига кирди.

Аммо шуларга қарамай, маҳаллий Советлар ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан ҳануз тўла-тўкис фойдаланмаяптилар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, бошқа ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг ишидаги мавжуд камчиликлардан кўз юмиб ўтиш ҳоллари содир бўлиб туради. Район ва шаҳарлар хўжалигини комплекс равишда ривожлантириш масалалари керакли сабот-матонат билан ҳал этилмаётган ҳоллар ҳам учрайди, баъзида юқори идораларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар уй-жой ва социал маданий қурилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида ўтказаётган тадбирлар бўш координация қилинмоқда.

Область план бўлими, статистика бошқармасининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, маҳаллий саноат ва маиший хизмат бошқармаларининг иши тўғрисидаги масала ўз вақтида область комитетининг муҳокамасига қўйилган эди. Яқинда партия ва ҳукуматнинг қарорлари ижроси қандай назорат қилинаётганлиги область қишлоқ хўжалиги бошқармасида муҳокама қилинди.

Область партия комитети маҳаллий Советларга раҳбарликни яхшилаш, район ва шаҳар ижроия комитетлари бўлимлари, бошқармалари аппаратининг, депутатлик комиссияларининг иш методларини доимо такомиллаштириш зарурлигига область ижроия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг эътиборларини жалб этди. Уларнинг фаолиятини янада активлаштиришга доир тадбирлар ишлаб чиқилди. **(Қарсаклар).**

Депутат Т. ТОЖИБОЕВ нутқи

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ БАЛИҚЧИ РАЙОНИДАГИ «ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ» КОЛХОЗИНИНГ ТРАКТОРЧИСИ

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган барча совет кишилари сингари Балиқчи районининг меҳнаткашлари ҳам беш йиллик топшириқларини бажариш учун фидокорона меҳнат қиляптилар. Беш йиллик планни барвақт бажариш учун бошланган социалистик мусобақа қун сайин кенгайиб бориб, қувончли натижалар бермоқда.

Маҳаллий Советлар ва уларнинг депутатлари бу ишда муҳим роль ўйнайди. Улар партия ташкилотларининг ёрдамида ўз ишларини анча яхшиладилар. Уларнинг халқ ўртасидаги обрўси ўсиб бормоқда, ташкилотчилик фаолияти кучаймоқда. Яқинда бўлиб ўтган сайлов якунлари бундан яққол далолат беради. Район меҳнаткашлари коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз бердилар.

Сўнгги вақтларда район ва қишлоқ Советларининг омма билан алоқаси анча мустаҳкамланди, район ижроия комитетлари бўлимлари ва бошқармалари, депутатлар сайловчилар олдида тез-тез ҳисоб берадиган бўлиб қолдилар.

Районимизда ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришда юксак уюшқоқлик ва ташаббус кўрсатиб, сайловчиларнинг ишончини шараф билан оқлаётган қишлоқ Советлари бор. Жумладан, Алимбек қишлоқ Совети шулар қаторига киради. Унинг территориясида «Қизил юлдуз» ва «Пахтакор» колхозлари жойлашган. Қишлоқ Совети партия ташкилотининг раҳбарлигида колхозларнинг правлениелари билан яқин алоқада ишлаб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ўсишига, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг яхшиланишига актив таъсир кўрсатмоқда.

Колхозимиз қишлоғи йил сайин кўркамлашиб, пахтакорларнинг маданияти ошиб бормоқда. Қишлоқда маиший хизмат комбинати қурилди, ҳамма аҳоли водопроводдан сув ичмоқда, колхоз йўлларига асфальт ётқизилди, иккита автомат телефон станцияси ишлаб турибди.

Бизда камчиликлар ҳам йўқ эмас, албатта. Биз умумий овқатланишни ташкил этиш ишида, хотин-қизларимизни баъзи ул юмушларидан озод қилишда, колхоз аҳолисини янги типдаги электр асбоблар ва замонавий уй жиҳозлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликларга учраяпмиз.

Районимизнинг партия, совет органлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш ишида зўр уюшқоқлик кўрсатиб, хўжалик ва маданий қурилишда янги-янги муваффақиятларга эришадилар. **(Қарсаклар).**

Депутат М. С. ВОСИҚОВА нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЮСТИЦИЯ МИНИСТРИ

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги даври, КПССнинг XXIV съезди Директиваларида баён қилинган беш йиллик план вазифалари меҳнаткашлар депутатлари районда ва шаҳар Советларининг фаолиятига янги, янада юксак талаблар қўяди.

Партиянинг қарорларида давлат ҳокимияти ва бошқариш барча органларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, барча мансабдор кишиларнинг фаолияти қонунга мувофиқ келиши, қонунга таяниши, қонунга асосланиши зарур деб таъкидланади.

Шу муносабат билан шаҳар ва район Советларининг совет қонунларига қатъиян риоя қилиб, уни ижро этишларидаги масъулиятларини ортади. Советлар, Советларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялар, барча депутатлар қонунларнинг ҳар қандай бузилишига муросасиз қарамоқлари керак.

Аммо социалистик қонун ва ҳуқуқ тартибини мустаҳкамлаш масалалари район ва шаҳар Советларининг сессияларида, Советлар ижроия комитетларининг мажлисларида ҳозирча камдан-кам тингланмоқда. Советларда прокурор, суд раиси ва ички ишлар бўлими бошлиғининг социалистик қонунларга риоя қилиш тўғрисида информация бериб туриши каби иш шакли ҳам камдан-кам учрайди.

Шуни айтиб ўтмоқ лозимки, меҳнаткашлар депутатларининг баъзи район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советлари социалистик қонунларни янада мустаҳкамлаш масаласига доимий эътибор бериб туриш у ёқда турсин, уларнинг ўзлари қонунга хилоф қарорлар қабул қилишишга йўл қўйиб келмоқдаларки, натижада қонунларни мустаҳкамлаш ишида уларнинг роли пасайиб кетмоқда. Қонунларни ва бошқа норматив актларни билмаслик шундай ҳол чиқиб келишининг асосий сабабларидан биридир.

Совет ходимлари қонунни тўғри тушуниб, барча мансабдор кишилар ва гражданлар қонунларга риоя қилишларини таъминламоқ учун уларнинг ҳуқуқий билим даражаларини оширишга, мавжуд қонун асосларини эгаллашларига қатъий зарурат ҳам вужудга келди. Республикада сиртқи юридик таълим миқёсини анча кенгайтирмоқ, ижроия комитетларининг ходимлари, саноат корхоналарининг раҳбарлари учун ҳуқуқий билим университетлари ташкил этмоқ зарур.

Қонунлар, фармонлар, қарорлар ва фармойишларни ижро этувчиларга ва барча гражданларга ўз вақтида етказиш юзасидан ишларнинг тўғри ташкил этилишининг ҳам катта аҳамияти бор.

Социалистик қонунчиликка риоя қилиш ишида меҳнаткашлар депутатлари Советларининг роли ва масъулиятини ошириш, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қонунларга қатъий риоя қилишини таъминлаш КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга оғишмай тадбиқ эттиришга ёрдам беради. **(Қарсаклар).**

Депутат З. СИРОЖИДДИНОВ нутқи

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини янада ошириш, социалистик демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари жонажон партиямиз XXIV съездининг қарорларида гоят муҳим ўрин олди.

Қашқадарё областидаги маҳаллий Советлар партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан ҳозирги вақтда ўз ишларини қайтадан ташкил этмоқдалар ва хўжалик ҳамда социал-маданий қурилишга раҳбарлик ишларини яхши йўлга қўйишга эришмоқдалар.

Аммо шуни айтиш керакки, айрим шаҳар, район, қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини қайта ташкил этиш суст амалга оширилмоқда.

Тўққизинчи беш йилликда Қашқадарё областининг меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Беш йилликнинг охирига бориб областда 500 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. Бу — 1970 йилдагига нисбатан 2,1 баравар ортиқ Маҳаллий саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса тўрт баравар кўпаяди.

Беш йилликда қурилиш ишлари кенгайтириб юборилади. Қарши даштини ўзлаштириш ишлари жадал суръатлар билан давом эттирилади. Областимиз Амударё сувидан фойдаланиб, пахта, дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини анча кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Беш йиллик план топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши халқнинг турмуш даражасини янада ошириш, унинг маданиятини янада юксалтириш учун катта имкониятлар вужудга келтиради.

Халқимиз Советларга зўр ишонч билан қарайди. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва республика маҳаллий Советларига шу йил июнь ойида ўтказилган сайлов буни яққол намойиш қилди. **(Қарсаклар).**

Депутат В. Д. МАСТЯКОВА нутқи

БУХОРОДАГИ 163-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ АРМАТУРАЧИСИ

Кейинги йилларда меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг фаолияти активлашганлиги натижасида маҳаллий хўжаликка раҳбарлик ошиб бораётганлигини, аҳолига маданий-маиший, савдо ва медицина хизмати кўрсатиш, шаҳар ободончилиги яхшиланганлигини Бухоро меҳнаткашлари ўз кўзлари билан кўриб туришибди. Саккизинчи беш йиллик мобайнида шаҳарни кўкаламзорлаштириш, кўчалар, проспектлар, хиёбонлар, парклари ободонлаштириш соҳасида катта иш қилинди.

Янги беш йилликда шаҳар олдида порлоқ истиқболлар очилмоқда. Ип-газлама комбинати, педагогика институтининг иккинчи навбати, политехника институти, шаҳар ва темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарувчи заводлар, нон ва сут комбинатлари, зардўзлик ва бадиий буюмлар фабрикаларини қуриш, қоракўл заводини реконструкция қилиб кенгайтириш кўзда тутилган.

Шаҳримизга келган кишиларнинг ҳаммаси партия ва совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги туфайли қадимий Бухоро нақадар яшариб кетганлигини, ўзининг архитектура қиёфасини ўзгартирганлигини, бу ерда янги обод замонавий микрорайонлар, хиёбонлар, парклар барпо этилганлигини, шаҳар меҳнаткашлари турмушининг моддий ва маданий даражаси ошганлигини кўриши мумкин.

Уй-жой бинолари ва микрорайонларни лойиҳалашдаги нуқсонлар сабабли ана шундай камчиликлар рўй бермоқда. Айрим биноларнинг биринчи қаватларини магазинлар, аптекалар, медицина пунктлари, кутубхоналар, почта бўлимлари ва шу сингари муассасаларга ажратиб қўйилса бўлмайдими, ахир.

Биз шаҳар экономикаси масалалари билан чуқур шуғулланишимиз, сайловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига алоқадор масалаларни ҳал этишда сезгир, эътиборли ва синчков бўлишимиз, ишлаб чиқаришда намуна кўрсатишимиз, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш олиб боришимиз лозим. Депутатнинг фахрий бурчи ва вазифалари ҳамда сайловчилар бизга берган наказлар биздан ана шуни талаб қилади. **(Қарсаклар).**

Депутат Р. ЭШЧОНОВ нутқи

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Коммунистик партиянинг доимий ғамхўрлиги туфайли меҳнаткашлар депутатлари Советларининг фаолияти кучайиб бормоқда, хилма-хил тус олмоқда. Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишнинг асосий соҳалари устидан контроллик кучайди.

КПСС XXIV съездининг партия Марказий Комитети ҳисобот доклади юзасидан қабул қилинган резолюциясида Советларнинг амалий фаолиятидаги янгиликлар ўз ифодасини топди. Съезд Советларнинг ўз вазифаларини тўла амалга оширишлари, экономика ва маданиятни ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга амалий таъсир кўрсатишлари, аҳолига социал-маиший хизматни яхшилаш, жамоат тартибини сақлаш масалалари билан жиддий шуғулланишлари зарур эканлигини таъкидлади. Ана шу талабларни пўхта бажариш шубҳасиз маҳаллий Советлар кадрларининг иши билан боғланган.

Шу сабабли область партия ташкилоти маҳаллий Советлар учун кадрларни танлаб олиш ва уларни тарбиялаш масалаларига катта эътибор бермоқда. Яқинда ўтказилган сайловдан кейин депутатларнинг состави маҳаллий Советлар аппарати ходимларининг состави сифат жиҳатдан яхшиланди. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари раислари, раис ўринбосарлари ва секретарларининг сиёсий-назарий савиясини ошириш, ишчанлик малакасини юксалтириш учун улар махсус курсларда мунтазам таълим олмоқдалар.

Область Совети ижроия комитети қишлоқ, район ва шаҳар советлари ижроия комитетларининг фаолиятини доим ўрганиб чиқмоқда. Бу чора ижобий тажрибани кенг ёйиш ва мавжуд камчиликларни ўз вақтида тугатишга ёрдам беради. Кейинги вақтларда бир қанча қишлоқ, шаҳар ва район советлари, уларнинг ижроия комитетларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлиги соҳасидаги фаолияти қараб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, моддий-молиявий базасини яхшилаш соҳасида амалга оширилган тадбирлар Советларнинг ишини кучайтириш, уларнинг фаолиятида демократик принципларни ривожлантириш учун кенг имконият яратиб берди. Советлар ердан фойдаланиш, қурилиш, ободончилик, маориф ва соғлиқни сақлаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жамоат тартибини сақлаш каби масалаларга катта эътибор бера бошладилар.

Аммо маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари фаолиятида катта камчиликка ҳам бор. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳозирги куннинг талабларига жавоб бермаётир. Шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш, аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария маданиятини юксалтириш соҳасида ҳали кўп иш қилиш зарур.

Ҳозирги вақтда барча Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари партия XXIV съезди томонидан қўйилган вазифаларни зўр ғайрат билан амалга оширмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Депутат К. Р. МУСАЕВА нутқи

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ, УЧҚУРҒОНДАГИ 1-ТУҒРУҚХОНАНИНГ БОШ ВРАЧИ

Мен врач бўлганим учун ҳам инсоннинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида партиямиз қилаётган жуда катта ғамхўрликни кўрсатувчи айрим рақамларга тўхталиб ўтмоқчиман. 1966 йилда Учқўрғон районида соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига 1.300 минг сўм сарфланган бўлса, 1971 йилда районнинг медицина бюджети 2.080 минг сўмга етди. 1966 йилда районда 50 та медицина объекти бор эди, ҳозир улар 84 тага етди. Бу муассасалардаги ўринлар шу вақт ичида 705 тадан 1.050 тага етказилди. 1966 йилда районда 60 врач, ўрта малакали 400 медицина ходими ишлаб турган эди. Ҳозир соғлиқни сақлаш соҳасида 85 врач ва ўрта махсус малакали 550 мутахассис меҳнат қилмоқда. Ҳозир ҳар 10 минг аҳолига 7 врач тўғри келади. Ҳамма врачларнинг 65 проценти хотин-қизлардир.

Районимизда 120 ўринга эга бўлган ва энг янги медицина асбоб-ускуналари билан таъминланган типовой касалхона қурилганлиги соғлиқни сақлаш ходимларини ва меҳнаткашларни айниқса қувонтирмоқда. Бу ажойиб, касалхонада аҳолига медицина ёрдамининг 10 хили кўрсатилмоқда.

Район маҳаллий советларининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг район советлари ишини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий советларнинг моддий молиявий базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги тарихий қарорларидан руҳланиб, КПСС XXIV съезди Директиваларини тезроқ амалга ошириш, давлат ишларини бошқаришга меҳнаткашларнинг кенг қатламларини жалб қилиш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

Районимизда янги чақириқ маҳаллий Советларига 1.098 депутат сайланди. Ҳозирги вақтда районда 130 та доимий комиссия, 66 депутатлар группаси, 500 дан ортиқ жамоат ташаббускорлик органлари тузилган. Уларнинг ҳаммаси маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари билан яқин алоқада ишлаб халқ манфаатларига муносиб хизмат қилмоқдалар.

Район меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Район хўжаликлари бу йил давлатга 85 минг тонна пахта, 1.300 тонна гўшт, 4.800 тонна сут, 1.700 минг донадан зиёд тухум, 740 центнер жун, 365 тонна пилла, 5.300 тонна сабзавот, 1.660 тонна полиз маҳсулотлари, 700 тонна мева ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш мажбуриятларини олдилар.

Маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия комитетлари партия ташкилотлари раҳбарлигида хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш КПСС XXIV съезди белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда меҳнаткашларнинг кенг қатламларини сафарбар қилиш учун бутун кучларини сарф қиладилар. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Депутат Р. САХИБОЕВ доклади

Депутат ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг топшириғига мувофиқ сизларга еттинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси билан саккизинчи чақириқ ушбу сессияси ўртасида қабул қилинган Фармонлар ҳақида доклад қилишга руҳсат этгайсиз. Бу Фармонлар Ўзбекистон ССР Конституцияси талабларига биноан республикамиз Олий Совети тасдиғига киритилади.

1971 йил 21 январда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Совхозлар министрлиги тузиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонни тасдиқлаш муносабати билан Ўзбекистон ССР Конституциясининг республикамиз иттифоқ-республика министрликлари санаб кўрсатилган 50-моддасига тегишли қўшимча киритиш зарур бўлади.

Мазкур Фармонни тасдиқлаш ва Ўзбекистон ССР Конституциясига зарур қўшимча киритиш ҳақидаги Қонун лойиҳаси сизларнинг муҳокамангиз учун тақдим этилган.

Шу ўтган давр ичида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг амалдаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этувчи бир қатор Фармонлар қабул қилди.

Чунончи, шу йил март ва июнь ойларида қабул қилган Фармонлар билан ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ишдан бўшатиш, лавозимига қайта тиклаш, бошқа ишга ўтказиш ва интизомий жазо бериш масалаларига оид меҳнат жанжаллари меҳнат низоларини кўриб чиқувчи комиссияларда кўрилмай, балки бўйсунишига қараб юқори органлар томонидан ҳал этиладиган ходимлар категориялари рўйхатига қўшимчалар киритди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шунга асосан Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексининг 171-моддасининг 13-иловасига ана шундай қўшимчалар киритиш ҳақида 1971 йил 29 апрель ва 14 июлда тегишли Фармонлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Жиноят қонунларини қўлланиш тажрибаси, шунингдек баъзи бир жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни кўриб чиқиш республикамизнинг амалдаги Жиноят кодекси айрим бобларини янги нормалар билан тўлдириш ва унинг баъзи моддаларини ўзгартириш зарурлигини кўрсатди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» шу йил 14 июлда Фармон қабул қилди.

Бу Фармонга кўра, Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси заҳарли химиявий дориларни қўлланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиловчи 1881- модда билан тўлдирилди.

Далалар, ўрмонлар, боғлар ва бошқа кўкаламзорларга ишлов беришда фойдаланиладиган заҳарли химиявий дориларни сақлаш, ташиш ва қўлланиш қоидаларига риоя қилмаслик натижасида одам ўлса, ёки кишилар соғлиғига узоқ муддатли путур етказилса, ёҳуд бошқа оғир оқибатлар юз берса, бу моддага биноан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга аҳлоқ тузатиш иши бериш билан жазоланади.

Жиноят кодексини спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги норма билан тўлдириш ҳам зарур деб топилди. Илгари бундай ножўя ҳаракат учун маъмурий, интизомий ёки жамоат таъсири кўрсатиш чораси қўлланиб келинган бўлса, эндиликда ана шундай жазо чоралари қўлланилган шахслар яна қонунбузарлик қилганда, жиноий жавобгарликка тортилиб, бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга аҳлоқ тузатиш иши бериш билан жазоланадилар ва айни вақтда савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналарида ишлаш ҳуқуқидан беш йилгача муддатга маҳрум этиладилар.

Харидорларга мол сотишда тарозидан уриб қолиш, кам ўлчаб бериш, уларнинг ҳақидан олиб қолиш сингари ҳатти-ҳаракатларга қарши курашишни кучайтириш мақсадида Жиноят кодекси 177-моддасининг биринчи қисмида айбдорларни савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлаш ҳуқуқидан албатта маҳрум қилиш кўзда тутилди. Бундан ташқари, ана шундай жиноят қилгани учун илгари судланганлик айбни оғирлаштиradиган ҳолат деб ҳисобланади ва қаттиқроқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Меҳнат қонунларини бузганлик учун жавобгарлик белгиловчи нормалар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат қонунлари асосларига мувофиқлаштириб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатларни яширганлик учун жавобгарлик кўзда тутилмаган эди. Шу муносабат билан бу Кодекснинг 201- моддасига никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунлардан келиб чиқувчи тегишли қўшимча киритилди.

Кодекс, шунингдек, бошқа социалистик давлатларнинг давлат ёки жамоат мулкига ва социалистик ташкилот бўлмаган бирлашмалар мулкига нисбатан жиноят қилганлик учун ҳамда почта тўлов белгиларини ва транспортда юриш билетларини соҳталаштирганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги нормалар билан ҳам тўлдирилди.

Мазкур Фармон билан республикамиз Жиноят кодексининг бошқа моддаларига ҳам айрим қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси баъзи бир ғайри-ҳуқуқий ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалар билан тўлдирилганлиги сабабли шу моддалар бўйича жиноий ишларнинг терговини ким томонидан олиб борилишини аниқлаб бериш зарурати туғилди. Шунга кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юқоридаги Фармон билан бир қаторда «Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳам Фармон қабул қилди.

1968 йил декабрь ойида қабул қилинган меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1971 йил 25 февралда «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Совети депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Фармон қабул қилиб, бу Фармон билан мазкур Қонуннинг айрим нормалари таҳririга аниқликлар киритилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товловчи ва жамият учун зарарли, текинхўрларча кун кўрувчи шахсларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги 1961 йил 17 май Фармонининг 1966 йилгача амалда бўлган таҳririда кўзда тутилишича, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишни хоҳламовчи ва жамиятга қарши текинхўрларча кун кўрувчи шахслар махсус бадарга жойларига кўчириб юборилар эди.

Кейинчалик бу тартиб ўзгартирилди. Республика Олий Совети Президиуми 1966 йил 28 январда бундай шахсларни, илгаригидек, махсус жойларга кўчириб юбормасдан, балки шу шахслар доимий истиқомат қилиб турган районда жойлашган корхона, қурилиш, совхоз, колхозларда ёки шу область доирасидаги бошқа жойларда ишга жалб қилишни кўзда тутувчи Фармон қабул қилди.

Бинобарин, 1966 йилгача махсус жойларга кўчириб юборилган шахслар жазо муддатини ўтаб бўлганлигини, амалдаги қонунлар эса бундай жазо турини кўзда тутмаслигини эътиборга олганда бадарга жойларидан қочган шахсларнинг жавобгарлиги ва уларни кўчириб юборилган жойидан муддатидан илгари озод қилиш масалаларини тартибга солувчи нормаларни сақлаб қолишга ҳожат қолмади.

Шу муносабат билан республика Олий Совети Президиуми 1971 йил 29 январда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Кўчириб юборилган жойларида белгиланган тартибни қастдан бузувчи шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Фармон қабул қилди. Шу билан бир вақтда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ижтимоий-фойдали меҳнатдан бўйин товловчи ва жамият учун зарарли, текинхўрларча кун кўрувчи шахслар ҳақида»ги 1961 йил 17 май Фармонига ўзгартишлар киритиш ҳақида «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми чиқарган Фармоннинг 4 ва 5- моддаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» ҳам Фармон қабул қилинди.

Ана шу Фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳалари ҳаммангизга берилган.

Депутат ўртоқлар!

Олий Советнинг ўтган сессияси билан ҳозирги сессияси ўртасидаги давр мобайнида шу йил 11 майда «Ўзбекистон ССР Сирдарё области территориясининг бир қисмини Қозоғистон ССР составига ўтказиш тўғрисида» Фармон қабул қилиниб, Жеттисой, Киров ва Пахтаорол районлари Қозоғистон составига ўтказилди.

Бу Фармонни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарор лойиҳаси сизларда бор.

Ўтган вақт ичида республика Олий Суди составида ҳам баъзи ўзгартишлар бўлди. Жумладан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1971 йил 29 январдаги Фармони билан ўртоқ Муҳсим Усмонов, 1971 йил 29 мартдаги Фармони билан эса ўртоқ Николай Павлович Царев бошқа ишга ўтганликлари туфайли Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзолиги вазифасидан озод қилиндилар. Бу масала сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1971 йил 10 майдаги Фармони билан Каримхон Носиров ва Тамара Ивановна Позднякова ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасини бажаришларига руҳсат этилди. Сессия муҳокамасига К. Носиров ва Т. И. Позднякова ўртоқларни Олий Суднинг аъзоси қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади. Уларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақидаги справка сизларга тарқатилган.

Депутат ўртоқлар!

Республика Олий Совети Президиуми муҳокамангизга тақдим этилган Қонунлар ва Қарорларнинг лойиҳаларини қабул қилишни сўрайди. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТ Н. М. МАТЧОНОВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат А. СУЛТОНХЎЖАЕВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРИ

Меҳнаткашларнинг халқ истеъмоли товарларига бўлган ва тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш масалалари ҳамиша коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг диққат марказида турибди. КПСС XXIV съездининг халқ учун керакли товарлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни кўзда тутган қарорлари ана шу ғамхўрликни яққол ифода этади.

Ўзбекистон маҳаллий саноати корхоналарининг коллективлари партия съездининг қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик планини муддатидан илгари, 26 июнда бажардилар. Сергели тикувчилик фабрикаси, Тошкент ва Чуст бадиий буюмлар фабрикалари, Тошкентдаги хўжалик буюмлари заводи, Хева ва Фарғона шаҳар саноат комбинатлари, Бухородаги зардўзи буюмлар фабрикаси, Хевадаги гилам фабрикаси ва Тошкентдаги 2-тикувчилик фабрикаси коллективлари энг яхши натижаларга эришди.

Партия ва ҳукумат кўп ходимларимизнинг меҳнатига юксак баҳо бериб, уларни Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотлади.

Аммо, шу ютуқлар билан бир қаторда республика маҳаллий саноатининг ишида ҳали камчилик ва нуқсонлар кўп.

Аҳолининг кўп товарларга бўлган эҳтиёжи кўнгилдагидек қондирилмаётир, айрим буюмларнинг сифати талабларга жавоб бермаётир, маҳсулотнинг турлари етарли даражада кўпайтирилмаётир.

Ишлаб чиқаришнинг техника даражаси паст бўлиб, қўл меҳнатининг ҳиссаси катта. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштириш етарли даражада амалга оширилмаётир, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётир, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш масалалари суст ҳал этилмоқда. Кўп корхоналарнинг машина-ускуналари эскириб қолган. Улар яроқсиз биноларда жойлаштирилган.

«Известия» газетаси яқинда меҳнаткашлар депутатлари Смоленск шаҳар ва район Советларининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуриш ва реконструкция қилиш ишларини ўз оталиғига олиш тажрибаси тўғрисидаги мақолани босиб чиқарди. Республикамиздаги маҳаллий Советлар ва қурилиш ташкилотлари ана шу муҳим ташаббусни қўллаб-қувватлашлари керак.

Шаҳар ва район Советлари маҳаллий саноатни янада ривожлантириш ва аҳолининг халқ истеъмоли товарларига бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кўп иш қила оладилар. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари орқали халқ хўжалигини бошқариш, маҳаллий саноатнинг ишини янада кучайтиришга, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Маҳаллий саноатни янада тараққий эттириш учун область, шаҳар ва район ижроия комитетлари жуда катта ёрдам беришлари керак. Улар маҳаллий саноатнинг эҳтиёжларига, хусусан корхоналарни малакали, билимдон мутахассислар билан мустаҳкамлашга, ходимларимизни уй-жой билан таъминлаш, болалар боғчалари ва ясліларини кўпайтиришга доим эътибор беришлари лозим. (Қарсаклар).

Депутат А. А. ЮРИЦ нутқи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Қорақалпоғистон АССРдаги саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, совхоз, колхозлар ва муассасаларнинг коллективлари янги беш йилликда Автоном республиканинг экономикаси ва маданиятини янги, янада юксак босқичга кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Меҳнаткашлар депутатлари Советлари бу ишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Советларнинг ғоят кўпчилиги кейинги йилларда ўз ишларини яхши йўлга қўйдилар.

Яқинда саккизинчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг янги президиумини сайлади, автоном республика ҳукуматини — Министрлар Советини тузди ва Советларнинг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилди.

Шуни айтиш кераккки, автоном республикадаги Советлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш масалалари билан, хусусан сермеҳнат ишларни механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ва фондларнинг берадиган самарасини ошириш масалалари билан ҳали кўнгилдагидек шуғулланмаётирлар.

Советларимизнинг депутатлари шаҳарларни, посёлкаларни ва хусусан овулларни обод қилиш соҳасида ҳали кўп иш қилишлари керак. Қорақалпоғистон АССРдаги хутор системаси бунга халақит бермоқда.

Автоном республикада Советларнинг сессияларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш соҳасида бир мунча ижобий тажриба тўпланди. Мўйноқ районидаги Учсой овул Совети, Амударё районидаги Қтай овул Совети, Беруний районидаги Октябрь овул Совети ва бошқа овул Советлари бу соҳада ижобий натижаларга эришганликларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Кейинги икки йил ичида маҳаллий Советларнинг иш шароити анча яхшиланди. Кўпгина Советларнинг бинолари капитал ремонт қилинди ёки улар учун янги бинолар қуриб берилди. Советлар енгил автомашиналар ва коляскали мотоциклар билан таъминланди. Аммо бу соҳада мумкин бўлган ишларнинг ҳаммаси қилинган, деб бўлмайди ва шу сабабли қуйи Совет ташкилотларига ташкилий ва моддий ёрдамни кучайтириш, уларнинг самарали ишлаши учун ҳамма шарт-шароитни вужудга келтириш керак.

Бу йил Ўзбекистон ССР Олий Советига, Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайлов совет кишиларининг қардошларча буюк дўстлигини, халқимизнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганлигини намойиш қилди.

Автоном республика Олий Совети, район, шаҳар, овул, посёлка Советларининг ташкилий масалалар билан шуғулланган сессиялари ва янги сайланган депутатлар зўр активлик кўрсатдилар. Бу ҳол Советларнинг сифат состави анча яхшиланганлигидан далолат беради. Маҳаллий Советлар раҳбар ходимларининг ғоят кўпчилиги олий ва ўрта маълумотли. Улар катта кучдир. Бу ходимлар энг жиддий вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оладилар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советини ишонтириб айтаманки, Қорақалпоғистон Советларининг депутатлари, барча меҳнаткашлари ленинчи партиямиз XXIV съездининг тўққизинчи беш йилликда олдимизга қўйган буюк планларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар. (Қарсаклар).

Депутат Ч. АЛМАТОВ нутқи

ЖАРҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

КПСС XXIV съездининг қарорларида таъкидлаб ўтилганидек, партия район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш ва ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган бир қанча тадбирларни белгилади. Ҳозирги вақтда маҳаллий Совет органлари ўз ҳуқуқ доираларида халқ хўжалигига ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш юзасидан ваколатларидан моҳирона фойдаланяптилар.

Советларнинг моддий-молиявий базаси мустаҳкамланди, ўз территорияларида жойлашган ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарга раҳбарлик қилиш иши конкретлашди.

Сўнгги йилларда Жарқўрғон район Советларининг иши ҳам бирмунча яхшиланди. Посёлка ва қишлоқ Советларининг сессиялари конституция белгилаган муддатларда чақирилиб турибди. Бу сессияларда район, посёлка ва қишлоқ ҳаёти учун актуал аҳамиятга эга бўлган муҳим масалалар муҳокама қилинмоқда.

Район партия ташкилоти Советларнинг ишини яхшилаш мақсадида раҳбар кадрлар танлаш ва тарбиялашга алоҳида аҳамият беряпти. Кўпгина қишлоқ Советлари ўз ишларини КПСС XXIV съездининг қарорлари асосида қайта қурдилар, перспектив планларни янгиладилар.

Район партия ташкилоти барча қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилашга қаратилган чораларни белгилади. Кўпгина маҳаллий Советларда халқ орасида обрў қозонган тажрибали, ташаббускор ва юқори маълумотли ходимлар раҳбарлик ишига жалб қилинди. Ҳозирги вақтда қишлоқ ва посёлка Советларининг қарийб ҳамма раҳбар ходимлари олий ёки тугалланмаган олий маълумотли, раҳбар совет ходимларини қайта тайёрлаш курсини битирган кишилардир.

Ўтган сайлов КПСС XXIV съездининг қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатда кенг авж олган социалистик мусобақа пайтига тўғри келди. Районимизнинг депутатлари олдиларида қанчалик олижаноб вазифа турганлигини жуда яхши биладилар. Бу вазифалар КПСС XXIV съездининг қарорларидан келиб чиқади. (Қарсаклар).

Депутат В. СОДИҚОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРИ

Мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан партия XXIV съездининг Директиваларида аҳоли барча табақаларининг моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Айни мақсадда озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, озиқ-овқат сифатини яхшилаш, хилини кўпайтириш кўзда тутилади.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг ходимлари саккизинчи беш йиллик мобайнида маълум иш бажариб, шу вазифаларни адо этишда баъзи ижобий натижаларга эришдилар. 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 46 процент, кондитерлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 25 процент, макарон маҳсулотлар ишлаб чиқариш 12 процент кўпайди ва ҳоказо. Илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлади.

Республикада КПСС XXIV съездининг Директиваларига мувофиқ озиқ-овқат саноатини ривожлантириш беш йиллик планининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, хилини ошириш ва сифатини яхшилаш кўзда тутилади. Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 1970 йилдаги даражага нисбатан 138,6 процентга етмоғи керак. Бундай ҳажмга эришмоқ учун бир қанча янги корхоналарни қуриб ишга тушириш ва ишлаб турган кўпгина корхоналарни реконструкция қилиш керак.

Бу катта ва масъулиятли вазифа техника тараққиёти, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини анча камайтириш ҳисобигагина амалга оширилиши мумкин.

Сўнгги вақтларда хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун Советларнинг роли ва масъулиятини юксалтиришга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилинди. Район, шаҳар Советларининг ҳуқуқлари, шу жумладан, ўз территорияларида жойлашган корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ишини ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда координация қилиш каби муҳим соҳадаги ҳуқуқлари кенгайтирилди. Асосан маълум шаҳар ёки район аҳолисининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайдиган озиқ-овқат саноати корхоналарига ҳам бу ҳуқуқлар тааллуқлидир.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар, район Советларининг ижроия комитетлари министрлик билан биргаликда шу корхоналар зарур миқдорда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришлари тўғрисида ғамхўрлик қилмоқлари керак. Шу муносабат билан маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари баъзи маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни реализация қилиш, озиқ-овқат саноати корхоналари учун ишчи кучини ташкилий равишда жалб қилиш билан боғлиқ бир қанча масалаларни ҳал этишда бизга ёрдам бермоқлари лозим.

Республика озиқ-овқат саноатининг ходимлари партиямизнинг XXIV съезди совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида қўйган вазифаларни шараф билан адо этмоқ учун ҳамма ишни қилади, деб Олий Советни ишонтиришга рухсат этгайсиз. (Қарсаклар).

Депутат Н. ҚАЮМОВ нутқи

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ОХУНБОБОЕВ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Кейинги йилларда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг фаолияти анча яхши йўлга қўйилди, уларнинг иши кучайтирилди. КПСС XXIV съезди Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги роли ўсганлигини таъкидлаб, Советлар олдига ўз ҳуқуқлари ва ваколатларидан тўлароқ фойдаланиш, экономика ва маданиятни ривожлантириш, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишга эътиборни кучайтириш вазифасини қўйди. Бошқа районларда бўлгани каби бизнинг районимизда ҳам бу вазифаларни бажариш учун бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Район ва қишлоқ Советлари депутатларининг сифат состави анча яхшиланди. Биринчи сессиялардан кейин қишлоқ ва район Советлари ижроия комитетлари малакали, тажрибали ходимлар билан мустаҳкамланди. Уларнинг кўпи олий маълумотли. Ҳозирги вақтда қишлоқ Советларидаги раҳбар ходимларнинг 40 проценти олий маълумотга эга.

Советлар маориф, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, коммунал хўжалик органларининг ишини яхши йўлга қўйишда, шунингдек бир қанча маданий-маиший тадбирларни амалга оширишда катта роль ўйнайди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил февраль ойида аҳолига коммунал-маиший ва савдо хизмати соҳасидаги ўз ваколатларини қандай амалга ошираётганликлари юзасидан Охунбобоев районидаги қишлоқ Советларининг ишига доир масалани ҳар томонлама қараб чиқди. Бу масалани тайёрлаш жараёнида ишимиздаги айрим камчиликлар аниқланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми камчиликларни йўқотишда бизга катта ёрдам берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бу масала юзасидан қабул қилган қарори меҳнаткашлар депутатлари район Совети ва барча қишлоқ Советларининг сессияларида муҳокама қилинди, Советларнинг ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Бунинг натижасида аҳолига савдо-сотиқ, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Охунбобоев район Совети ижроия комитети партия ва совет органларининг ёрдами ва мадади билан ўзининг бутун куч-ғайратини хўжалик ва маданий қурилишни янада ривожлантириш соҳасида. КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни шараф билан бажаришга сафарбар қилади. (Қарсаклар).

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ РАЙОН ВА ШАҲАР, ШАҲАРДАГИ РАЙОН СОВЕТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари депутат А. С. АБДАЛИН доклади

Депутат ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Совет давлатини мустаҳкамлашга, жамиятнинг бутун сиёсий ташкилоти системасини такомиллаштиришга ҳамиша катта эътибор бериб келмоқда. Партиямиз бу фаолиятининг асосий йўналиши социалистик демократияни янада ривожлантиришга қаратилгандир.

Маълумки, социалистик давлатнинг асоси ва унинг демократик характерда эканлигининг энг тўла тимсоли бизда чинакам халқ ҳокимияти органлари бўлмиш меҳнаткашлар депутатлари Советларидир. КПСС Программасида, партия съездларининг ва Марказком Пленумларининг қарорларида, шунингдек кейинги йилларда қабул қилинган энг муҳим партия ва давлат ҳужжатларида ана шу органлар ролини янада оширишга ва уларнинг обрў-эътиборини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг шу йил март ойида қабул қилган «Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори партиямизнинг социалистик демократияни ривожлантириш ва Советлар ролини ошириш тўғрисида тинмай қилиб келаётган ғамхўрлигининг ёрқин далилидир. Бу қарорда айтилишича, коммунистик қурилишнинг ҳозирги даври меҳнаткашлар депутатлари Советлари фаолияти олдига янги, янада юксак талаблар қўймоқда, шу сабабдан Советларнинг активлигини қатъиян ошириш, улар ишида мавжуд бўлган камчиликлардан тўла-тўкис халос бўлиш зарурияти туғилди. Район ва шаҳар Советлари шаҳар ва районларнинг хўжалигини комплекс тарзда ривожлантириш учун ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланмаётирлар, хўжалик ва маданий қурилиш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларини ҳал қилишда етарли қатъиятлик кўрсатмаётирлар.

Меҳнаткашлар депутатларининг кўпгина район Советлари колхоз ва совхозлар ишини суст контроль қилмоқдалар ва яхши йўлламаётирлар, бу хўжаликларнинг деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва давлатга сотиш резервларидан тўлароқ фойдаланишларини таъминламаётирлар, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга эришмаётирлар. Уй-жой, маданий-маиший ва коммунал объектлар қурилиши қандай бораётганлиги устидан ҳам ҳамма ерда ва ҳамиша етарли контроль олиб борилаётир деб бўлмайди.

Район ва шаҳар Советларининг ишида яна бир қанча камчиликлар борки, булар ҳақида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари олдида яқинда сўзлаган ўз нутқида яна бир бор кўрсатиб ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Советларимизнинг иш услуби ва методлари ҳақида жуда жиддий мулоҳазаларни айтиб ўтди.

Советлар, айниқса маҳаллий Советлар оддий совет кишиси тез-тез учрашиб турадиган ҳокимият органларидир. Меҳнаткашлар Советларга ўз кундалик эҳтиёжларига тегишли масалалар юзасидан мурожаат қиладилар, у ёки бу масалаларга ижобий жавоб олишни хоҳлайдилар.

Бизнинг Совет органларимизда, дейди ўртоқ Брежнев, жуда яхши, виждонли саводли кишилар, ўз ишини севадиган, ўз районини ёки шаҳари ҳаётининг ҳамма томонлари тўғрисида ғамхўрлик қиладиган ходимлар ишлайдилар. Бироқ, афсуски, бу қоидадан четга чиқувчи баъзи ачинарли ҳоллар учраб туриши ҳам сир эмас. Баъзида ўз жонажон Советига бирор мурожаат билан келган кишини бутунлай бегонадек кутиб оладилар. Баъзи ходимлар шахсий масалалар билан келган кишиларни қабул қилишни майда иш, алоҳида аҳамият берилмаса ҳам бўладиган иш деб қарайдилар. Бу ходимларда бундан ҳам кўра муҳимроқ ишлар кўп эмиш. Бу нотўғри гап. Советларда халққа хизмат қилишдан кўра муҳимроқ иш йўқ, бинобарин ҳар бир киши ўз жонажон Советининг диққат-эътибори ва ёрдамидан умидвор бўлиши мумкин.

КПСС Марказий Комитети меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари фаолиятини янада яхшилашнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Район ва шаҳар қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар рўйхати анча кенгайтирилди. Корхона ва ташкилотларнинг район ва шаҳар хўжалигини ривожлантиришда янада активроқ қатнашишлари, маҳаллий Советларнинг ўз территорияларида жойлашган корхона ва ташкилотлар иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида шаҳар ва район бюджетларига шу корхона ва ташкилотлар олган фойдадан бир қисмини ўтказиш зарур деб топилди.

Шунингдек, уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни яхши сақлаш, капитал қурилиш планларининг бажарилиши, аҳолига савдо, социал маиший ва маданий хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ташкилотлардаги ишларнинг аҳволи, қишлоқ хўжалигини жадал суръатлар билан ривожлантириш борасида партия белгилаб берган программа қандай амалга оширилаётганлиги юзасидан маҳаллий совет органларининг жавобгарлигини ошириш соҳасида ҳам бир қатор амалий чора-тадбирлар кўзда тутилди.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг шундан кейин қабул қилинган район ва шаҳар Советларининг асосий ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берувчи Фармонлари мамлакатимизда социалистик демократияни янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу ҳужжатлар қабул қилинганидан бери ўтган давр мобайнида Ўзбекистон маҳаллий Советларида ҳам партиямиз кўрсатган камчиликларни йўқотиш юзасидан катта ишлар қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ўз докладида батафсил тўхталиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорида ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини бажариш юзасидан иш олиб борилиб, маҳаллий ҳокимият органлари олдига ҳаёт қўяётган юксак вазифаларга мувофиқ ва маҳаллий хусусиятлар ҳамда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, республикамизда меҳнаткашлар депутатлари район, шаҳар ва шаҳардаги район Советлари тўғрисида тегишли Қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилдики, улар бугун сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилди.

Бу қонун лойиҳаларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан тузилган ва тасдиқланган комиссия тайёрлади. Бу комиссия составида олимлар, юристлар, меҳнаткашлар депутатлари республика, область, шаҳар ва район Советларининг ходимлари иш олиб бордилар. Лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида маҳаллий Советларнинг иш тажрибаси, улар фаолиятини тартибга солувчи норматив характердаги актлар, республикамиздаги маҳаллий Советлар ижрокомлари, министрликлар ва идоралардан, шунингдек Ўзбекистондаги кенг жамоатчиликдан тушган кўпгина мулоҳаза ва таклифлар ўрганиб чиқилди ва ҳисобга олинди.

Таклиф қилинаётган ана шу янги Қонун лойиҳаларининг моҳияти ҳақида бир қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари давлат органларининг энг муҳим звеноси бўлиб, жойларда партия ва давлатимиз сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайдилар. Улар ўз территорияларида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган барча масалаларни ҳал қиладилар, қайси идорага бўйсунишларидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ишларини ўз ҳуқуқ доираларида уйғунлаштириб, контроль қилиб борадилар.

Советларнинг ва улар ижрокомларининг ўз ҳуқуқ доираларида қабул қилган қарор ва фармойишлари шу Советлар территориясида жойлашган ҳамма колхозлар, совхозлар, завод ва фабрикалар, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва гражданлар бажариши учун мажбурийдир. Район ва шаҳар Советларига ўз территорияларидаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳисоботини эшитиш, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ва зарур ҳолларда ўз таклифларини ҳокимиятнинг юқори органлари муҳокамасига қўйиш ҳуқуқи берилган.

Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг фаолияти коллектив раҳбарлик қилиш, ошкоравийлик асосида иш олиб бориш, сайловчилар олдида мунтазам ҳисоб бериб туриш, ижрокомлар, уларнинг бўлим ва бошқармалари Советлар ҳамда аҳоли олдида ҳисоб бериб бориши, шунингдек меҳнаткашлар оммасини Советлар ишида қатнашишга кенг жалб қилиш асосига қурилгандир.

Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган янги Қонун лойиҳаларида маҳаллий ҳокимият органлари ўз вазифаларини бажаришда қандай ваколатларга эга эканлиги баён этилган.

Район ва шаҳар Советлари район, шаҳар хўжалигини ва социал маданий қурилишини ривожлантиришнинг йиғма перспектив ва йиллик планларини тасдиқлайдилар, бу планларнинг бажарилишини уюштирадилар ва контроль қилиб борадилар, район ва шаҳар қарамоғида бўлган корхона, муассаса ва ташкилотлар учун белгиланган перспектив ва йиллик топшириқларни тасдиқлайдилар, шунингдек мазкур корхона, муассаса ва ташкилотларнинг жойлашиш, ривожланиш ва ихтисослашиш планларини тасдиқлайдилар.

Бундан ташқари, район Советлари колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш — молия планларини кўриб чиқадилар, районга бўйсунувчи қишлоқлар, посёлкалар ва шаҳарларни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайдилар.

Район ва шаҳар Советларига ўз территорияларида жойлашган, аммо юқори идораларга қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларнинг уй-жой ҳамда коммунал хўжалигини ривожлантиришга, йўл қурилишига ва социал-маданий ҳамда маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилишига, халқ истеъмоли товарлари ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга, ободончилик, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш маданият ва аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган шу каби бошқа масалаларга оид планлари лойиҳаларини ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган.

Муҳокама қилинаётган Қонун лойиҳаларида район ва шаҳар Советларининг юқорида кўрсатилган барча масалалар юзасидан йиғма план кўрсаткичларини тасдиқлаб, уларни район, шаҳар хўжалигини ҳамда социал-маданий қурилишни ривожлантириш планларига киритиш борасидаги ҳуқуқлари ҳам аниқ тасвирлаб берилган.

Сўнгги вақтгача маҳаллий Советларга қарашли бўлмаган корхона ва ташкилотларнинг баъзи раҳбарлари район ва шаҳар Советларининг ана шу ҳуқуқларини ҳар томонлама тан олмасликка ҳаракат қилиб келдилар. Эндиликда эса, янги Қонун лойиҳалари қабул қилиниши муносабати билан маҳаллий ҳокимият органларининг обрўси анча мустаҳкамланди. Район ва шаҳар Советларига материал ва ёқилғидан фойдаланиш балансларини, аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари балансини ва район, шаҳар хўжалигини комплекс ривожлантириш учун зарур бўлган бошқа балансларни тузиш, шунингдек ўз территорияларидаги минерал хом ашё, ер, ўрмон, сув ва энергетика ресурсларидан рационал фойдаланилиши устидан контроль қилиб бориш ҳуқуқи берилганлиги ҳам бунга катта ёрдам кўрсатади.

Қонун лойиҳаларида меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг ташкилий иш формаларини янада яхшилаш, уларнинг иш услублари ва методларини ҳамда улар фаолиятида демократик принципларни янада такомиллаштириш чоралари кўрсатиб берилган.

Маълумки, маҳаллий Советларнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий иш формаси сессиялар ўтказишдан иборатдир. Қонун лойиҳаларида сессиялар чақириш муддатлари ва уларни ўтказиш тартиби белгилаб берилган, тажрибада биринчи марта фақат Советлар компетенциясига оид, яъни фақат сессияларда кўриладиган масалалар доираси аниқ белгилаб берилди. Лойиҳаларда ижрокомлар, уларнинг бўлим ва бошқармалари фаолиятини уюштириш масалалари ҳам батафсил ишлаб чиқилган. Район ва шаҳар Советлари доимий комиссияларининг, шунингдек депутатларнинг ҳуқуқий мавқеи, уларнинг функциялари ва бажарадиган ишлари ҳам Қонун лойиҳаларида аниқ баён этилган.

Депутатларга ўз депутатлик вазифаларини самарали бажаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш лойиҳаларда қонун мустаҳкамлаб қўйилди. Депутатлар Советга, унинг ижроия комитетига ва доимий комиссияларига депутатлик фаолиятини бажариш жараёнида вужудга келган масалалар юзасидан таклифлар киритишга, сессияларда ижрокомга, унинг бўлимлари ва бошқармалари раҳбарларига, район ёки шаҳар территориясида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларига район, шаҳар Совети компетенциясига оид бўлган ҳар қандай масала юзасидан сўров беришга ҳақлидирлар. Депутатлар, шунингдек, сессия иши даврида ёки ижроком мажлиси вақтида маошлари сақланган ҳолда ўзларининг ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланадилар.

Қонунда депутатнинг даҳлсизлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилган: депутат район, шаҳар Советининг ёки шу Совет ижрокомининг рухсатисиз корхонада, муассасада, ташкилотда маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки колхоздан чиқарилиши мумкин эмас, шунингдек ўз райони, шаҳри территориясида жиноий жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас.

Шаҳар ва район Советн депутати ўз райони, шаҳари чегарасида умум фойдаланадиган маҳаллий транспортнинг ҳамма турларидан бепул фойдаланишлари мумкинлиги бизнинг тажрибамизда қонун йўли билан биринчи марта мустаҳкамлаб қўйилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Қонун лойиҳаларида аҳолини Совет фаолияти тўғрисида, Советнинг доимий комиссиялари, ижроия комитети ва ижрокомнинг бўлим ҳамда бошқармалари ишлари ҳақида депутатларнинг, Совет аппарати ходимларининг меҳнаткашлар олдида чиқиб сўзлашлари йўли билан, шунингдек матбуот, радио ва телевидение орқали кенг хабардор қилиб туриш кўзда тутилади. Давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш соҳасидаги жуда муҳим масалалар юзасидан меҳнаткашлар йиғилишларида ва гражданлар яшаб турган жойларда очиқ муҳокамалар уюштирилади.

Асосан олганда, сизларнинг қараб чиқишингиз учун тақдим этилаётган янги Қонун лойиҳаларидаги таклифларнинг мазмуни ана шулардан иборат.

Ана шу Қонун актларини қабул қилиш, шубҳасиз, район ва шаҳар звеносига кирувчи меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари бутун фаолият даражасини янада юксалтириш имконини беради. Зотан бу Советларга катта ҳуқуқлар берилган. Улар ўз олдиларида турган ҳар қандай вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишлари учун ҳозирги вақтда катта имкониятларга эгадирлар. Хуллас, бизнинг маҳаллий Советларимиз эндиликда партиямиз талаб қилган барча нарсаларни ва сайловчилар кутган барча мақсадларни амалга бемалол оширишга қодирдирлар.

Лекин ҳуқуқлар кенгайганлиги билан район ва шаҳар Советлари иши ўз-ўзидан қайта қурилади ва яхшиланади деб умид боғлаш нотўғри бўлур эди. Бунинг учун эса катта ташкилотчилик иши олиб бориш зарур, Советлар ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўғри ва тўла-тўкис фойдаланишларига, ўз ихтиёрларидаги восита ва имкониятлардан оқилона фойдаланишларига эришиш зарур.

Вазифа яна шундан иборат бўлмоғи лозимки, барча меҳнаткашлар билан, бутун сайловчилар оммаси билан мустаҳкам ва доимий алоқа ўрнатмоқ зарур. Чунки Советларнинг иши, КПСС XXIV съезди қарорларида кўрсатилганидек, улар кенг оммага таяниб иш кўрганлари тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Партиямиз социалистик демократиянинг моҳиятини давлат ва жамоат ишларини ҳал қилишда барча аҳолининг қатнашишидан иборат деб билади. Бас, шундай экан, чинакам халқ ҳокимиятининг ана шу ленинча принципини амалга ошириш биринчи навбатда Советларнинг, хусусан район ва шаҳар Советларининг ишидир.

Сессия муҳокамасига тақдим этилган қонунларнинг лойиҳалари катта давлат аҳамиятига молик бўлган ҳужжатлардир. Бу конун лойиҳаларининг тасдиқланиши маҳаллий Советларнинг энг муҳим звенолари бўлган район ва шаҳар Советлари роли ҳамда обрў ва эътиборини янада юксалтиришга ёрдам беради, мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини янада муваффақиятлироқ ва самаралироқ ҳал қилиш учун уларга қулай имкониятлар яратиб беради. (Қарсаклар).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТРОН МАШИНА ТОПШИРИҚ ОЛАДИ

ДОНЕЦК. Фойдали қазилмаларни очиқ усул билан қазиб чиқаришни лойиҳалашда ҳисоблашлар вақтини 30 баравар қисқартириш мумкин. Бу ишда ҳисоб машиналари ёрдам беради. Машиналар карьер қазишнинг мумкин бўлган ҳамма вариантларини ҳисоблаб чиқиб, энг фойдали, тежамли усулини ҳам кўрсатиб бера олади.

Украина ССР Фанлар академияси Донецк илмий марказига қарашли амалий математика ва механика институтида катта карьерларни лойиҳалашда энг мақбул вариантни олиш мақсадида электрон ҳисоб машиналари учун универсал программалар комплекси тузилди.

Ҳавзанинг янада ривожланиши, геологлар яқинда очган Мариуполь темир руда конининг ўзлаштирилиши муносабати билан математик изланиш натижаларига алоҳида аҳамият берилади.

АСБОБ АВТОМАТ ТАРЗДА ЎЗГАРТИРИЛАДИ

Бу станокни ҳамма иш қўлидан келадиган уста дейиш мумкин. Унинг бир ўзи бир неча агрегатларнинг ўрнини боса олади. Пультда турган киши команда берса станок детални фрезалайди, бошқа бир сигнал берса механик қўл магазиндан парма олиб фрезанинг ўрнига қўяди. Станок команда билан бошқа ишларни ҳам бажара олади. Горький станоксозлик заводининг коллективи мана шундай типдаги агрегат — «Ишлов берувчи марказ» яратди. Унинг магазинида бўлган 30 хил асбоб программа билан бошқариш сигнали бўйича ўзгартириб турилади. Практикадан маълум бўлдики, битта шундай станок бутун бир поток линиясининг ўрнини боса олади.

УНИВЕРСАЛ СТАНОК

Витебскдаги Коминтерн номли заводда тиш-фрезали янги универсал ярим автомат станок синаб кўрилди. Бу станокда (қирқиш режими оширилган ҳолда) диаметри 200 миллиметргача борадиган деталларга ишлов бериш мумкин. Бу аввалги моделдаги станокка нисбатан 20 процент унумлироқ. Янги станок кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТ А. С. АБДАЛИН ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Ҳ. АСОМОВ нутқи

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Янги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзининг биринчи сессиясида республика меҳнаткашлар депутатлари Советларининг КПСС XXIV съезди қарорларини, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларини батафсил муҳокама қилди ва белгилаб берди. Бу диққатга сазовор ишдир. Ўзбекистон ССРнинг меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги қонунларининг қараб чиқилиши ҳам тамомила қонуниятли бир тадбирдир. Бу қонунларнинг кабул қилиниши, район ва шаҳар Советлари ҳуқуқлари ҳамда бурчларининг аниқ белгиланиши уларнинг партия томонидан яқин йилларга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш соҳасидаги ишларини яхши йўлга қўйиш учун шарт-шароит вужудга келтиради. Район ва шаҳар Советларимиз ўз ҳуқуқлари ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланмоқдалар, деб айта олмаймиз. Улар иқтисодийислоҳотларни амалга ошириш билан боғланган хўжалик қурилиши масалаларини ҳал этишда собитқадамлик билан иш кўрмаяптилар.

Тошкент шаҳрида тўрт юздан ортиқ йирик корхона бор. Бу корхоналардан баъзиларининг раҳбарлари асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилганлари ҳолда, маҳсулотнинг сифатига, шаҳар аҳолиси учун жуда зарур бўлган молларнинг хилларини кўпайтиришга тегишинча эътибор бермаяптилар. Бу корхоналарнинг кўпи уй-жой, социал-маданий ва маиший объектлар қурилишида, шаҳарни кўкаламзорлаштириш ва обод қилишда қатнашмаяпти. Янги қонун бу масалаларни самаралироқ ҳал этиш имконини беради.

Шу нарса жуда муҳимки, район ва шаҳар Советлари, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги қонунлар лойиҳасида Советларнинг, Советлар ижроия комитетларининг, доимий комиссияларининг, барча депутатларнинг иш формалари ва методларини такомиллаштиришга катта эътибор берилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми тақдим этган қонун лойиҳалари тасдиқлансин деб таклиф қиламан.

Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари шу беш йилликда катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этишлари керак. Кенг кўламдаги қурилиш ишларини бажариш мўлжалланади. Шаҳар хўжалигининг аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлари, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш, маҳаллий саноат ва маиший хизмат, шаҳар пассажир транспорти ва алоқа ишлари янада ривожлантирилади. Биз шаҳар ва район Советларининг биринчи сессияларида уларнинг КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги вазифаларини кенг муҳокама қилиб, Советларнинг фаолиятини кучайтириш, уларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ҳамма участкаларда таъсирини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиладик.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Тошкент шаҳар ва район Советлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезди қарорлари асосида шаҳар олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар. (Қарсаклар).

Депутат Д. ЕШИМБЕТОВ нутқи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ

Меҳнаткашлар депутатлари Советлари беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишда жуда катта ташкилотчилик ролини ўйнайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг ҳузурида гапириб таъкидлаган эдики, маҳаллий ҳокимият органлари КПСС XXIV съезди қарорларининг ҳамда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани юзасидан Директиваларининг амалий бажарилиши юзасидан қилинадиган ишларнинг катта ҳиссасини ўз зиммаларига олишга даъват этилганлар.

Республика Олий Советининг ушбу сессияси муҳокамасига қўйилган меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари Советларга ва унинг органларига хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини амалга оширишда ўз ҳақ-ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланишларига, план, молия ва ер масалаларини ҳал этишда кўпроқ ташаббус кўрсатишларига, маҳаллий саноат, маиший ва социал-маданий қурилишнинг ривожланишига бевосита раҳбарлик қилишларига имконият беради.

Сўнгги йилларда Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва район Советлари ўз ишларини бир мунча активлаштириб, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатмоқдалар, аҳолига хизмат кўрсатадиган корхоналар фаолиятини яхшилаш ишида сезиларли муваффақиятларга эришдилар.

Аммо шаҳар ва районлар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришнинг ҳозирги даражаси шаҳар ва район Советларининг янада конкрет ва маълум мақсадни кўзлаб раҳбарлик қилишини, жамоат ишлаб чиқариши ва меҳнаткашларга социал маиший хизмат кўрсатишнинг ҳамма доираларидаги ишларнинг аҳволи учун уларнинг раҳбарлик масъулияти оширилишини талаб этади.

Янги қонунлар Советларнинг барча корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ координация қилишига, қонунчиликни ва давлат интизомини мустаҳкамлашларига имкон беради.

Қонунларнинг лойиҳасидан кўриниб турибдики, район, шаҳар Советларининг ҳуқуқ ва вазифа доираси ижтимоий тараққиётнинг халқ хўжалигини планлаштиришдан тортиб то гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишгача бўлган ҳамма соҳаларини ўз ичига олса, беқиёс даражада зўраяди.

Аммо бу қонунлар Советларнинг ишини ўз-ўзидан яхшилаб қайта қуради деб ўйлаш нотўғри бўларди. Советларнинг амалий ташкилотчилик иши асосий иш бўлиб келган эди, шундай бўлиб қолаверади. Чунки Совет ҳокимияти органининг обрўси биринчи навбатда у ўзига берилган ҳуқуқлар ва ваколатлардан қанчалик моҳирона ва тўла фойдалана билаётганлигига боғлиқ.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги қонун лойиҳалари тасдиқлансин деган таклиф киритаман. Бу қонунлардан ишнинг кўзини билиб моҳирона фойдаланиш — республика экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришга, партиямизнинг XXIV съезди қабул қилган улуғвор программанинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшилишини билдиради. (Қарсаклар).

Депутат Ҳ. УМАРОВ нутқи

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

КПСС XXIV съездидан кейин Фарғона областидаги маҳаллий Советлар ўз ишларини анча кучайтирдилар. Уларнинг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги роли тобора ўсмоқда.

Ҳозирги вақтда бизнинг Советларимизда минг-минглаб ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг вакиллари давлат ҳамда жамоат ишларини бошқаришнинг ажойиб мактабини ўтмоқдалар. Тўққиз минг кишилик депутатлар отрядида областимизнинг энг яхши кишилари бор.

Халқ хўжалигидаги барча тармоқларга Советлар раҳбарлигининг услуби ҳам ўзгарди. Областдаги ана шу вакиллик органлари ўз ваколатларидан тўлароқ фойдаланиб, хўжалик ва социал-маданий қурилиш ишларига жиддий эътибор бера бошладилар.

Масалан бизда Киров район Совети ва унинг ижроия комитети яхши ишламоқда. Улар тармоқ бўлимлари ва бошқармаларига раҳбарликни кучайтирдилар, экономика ва маданиятни ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқдалар. Депутатлар ёрдами билан ёппасига электрлаштириш тугалланди, қишлоқларда уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда, водопровод қувурлари ётқизилиб, уйлар газ билан таъминланмоқда. Фарғона шаҳар Совети ўрнак бўладиган кўп ишларни қилмоқда. Шаҳар Совети ишлаб чиқаришга ва меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга катта эътибор бермоқда.

Муваффақиятларни кўрсатиб ўтиш билан бирга камчиликлар ҳақида ҳам гапириш керак.

Область ижроия комитети, район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳозирги вақтда ана шу камчиликларни йўқотиш чораларини кўрмоқдалар. Биз хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда Советларнинг ролини ошираверамиз, ижобий тажрибани ҳар томонлама чуқур ўрганиб, умумлаштириб, кенг ёяверамиз, маҳаллий Советларнинг ташкилий-оммавий ишини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилаверамиз.

Бир қанча истакларимизни айтиб ўтишни ҳохлар эдим. Бизнинг фикримизча, шаҳар ва районларда план комиссияларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини кенгайтириш керак. Фарғона саноати асосан шаҳар типидаги Киргели посёлкасида жойлашган. Бу ерда нефтни қайта ишлаш ва химия саноати, энергетика, қурилиш индустрияси тез ривожланмоқда. Киргели посёлкасини шаҳар районига айлантириш ва бу ерда тегишли, совет ташкилотлари ҳамда муассасаларини тузиш зарур.

Сизларни ишонтириб айтаманки, Фарғона областидаги меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари партия ташкилотининг раҳбарлигида ташкилотчилик ишларини кескин суръатда яхши йўлга қўйиб, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини область олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар қила оладилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар. (Қарсаклар).

В. Д. ЛИСИН нутқи

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Индустриал Олмалиқ меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР олий ҳокимият органининг барча депутатларини сайланганликлари билан табриклайдилар ва саккизинчи чақириқ республика Олий Совети ишига муваффақият тилайдилар.

КПСС XXIV съездининг қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида съезд қарорларини амалда бажариш юзасидан қилинадиган ишларнинг каттагина ҳиссасини ўз зимамларига олишга даъват этилган Советларнинг роли алоҳида куч билан таъкидланади.

Бугун сессияда муҳокама қилинаётган янги қонун шаҳар Советларига зарур ваколатларни беради, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида уларнинг фаолиятига мустаҳкам ҳуқуқий база яратиб беради. Янги қонуннинг кўпгина моддалари ҳаёт тақозосидан чиқиб келди, қонунда қайд этилган моддалар амалда текшириб кўрилди.

Лойиҳадаги шаҳар территориясида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг фаолиятини координация ва назорат қилишни яхшилаш заруратига шаҳар Советининг эътибори жалб қилинган моддасининг принципиал аҳамияти бор. Бу нарса шаҳарлардаги ҳокимият органлари юқори идораларга бўйсунувчи ташкилотлар билан бўладиган муносабатларни тўғриоқ ўрнатишларига, уларнинг имкониятларидан бутун аҳоли шаҳар хўжалигининг манфаатларини кўзлаб тўлароқ фойдаланишга имкон беради.

Бу модданинг қоидалари республикамиздаги табиий бойликлардан интенсив равишда фойдаланиш ҳамда катта-катта саноат корхоналарини қуриш асосида ривожланиб бораётган кўпгина шаҳарлар учун айниқса муҳимдир.

Қонуннинг шаҳар Совети ва ижроия комитетининг ўзига берилган ҳуқуқ доирасида қабул қилган қарорлари ва фармойишлари Совет территориясидаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ижро этиши учун мажбурийдир, деб белгиланган моддаси ҳам шаҳар Советларини ўз территориясида ваколатли ҳокимият органи сифатидаги обрўсини шубҳасиз оширишга ёрдам беради.

Қонундаги шаҳар Советига шаҳар хўжалигининг перспектив ва йиллик планларини, уй-жой қурилиши планларини, шунингдек, маҳаллий саноат, маиший хизмат, савдо-сотиқ корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш, маданият, ободонлаштириш планларини кўриб чиқиб тасдиқлаш ҳуқуқини берувчи нормалар батамом маъқуллашга сазовордир.

Сессиянинг тасдиқлашига тақдим этилган меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар, шаҳардаги район Советлари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари турмуш эҳтиёжларини тўла йўсинда акс эттиради, орттирилган тажрибани жуда яхши умумлаштиради. Советларнинг депутатлари, Совет органларининг ходимлари, республика шаҳарларининг барча аҳолиси қонун қабул қилинишини мамнуният билан кутиб олади. (Қарсаклар).

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1970 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди партия ва халқ сўнгги йиллар мобайнида қилган улкан ишларни якунлади, келгуси даврнинг сиёсий йўлини ва илмий асосланган яратувчилик ишлари программасини ишлаб чиқди. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда янги-янги муваффақиятларга эришдилар. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда, социал вазифаларни ҳал этишда, совет кишилари ҳаётининг моддий ва маданий даражасини оширишда эришилган ютуқлар катта.

Ўзбекистон учун 1970 йил хўжалик ва маданий қурилиш гуркираб ривожланиши билан характерли бўлди. В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини ҳамда КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун республикада кенг қулоч ёйган социалистик мусобақа халқ хўжалиги ҳамма соҳаларининг ривожланиш суръатларини ўстиришга ёрдам берди.

1970 йилда ялпи умумий маҳсулот ишлаб чиқариш 1969 йилдагига нисбатан 12 процент кўпайди, миллий даромад 15 процент ошди.

Саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 103.1 процент қилиб бажардилар. Қорақалпоғистон АССР, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳри шу планни бажарди. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги 1969 йилдагига нисбатан қарийб 7 процент кўпайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари Ватанни ажойиб муваффақиятлар билан хушнуд этдилар. Юбилей йилида Ўзбекистон пахтачилигининг бутун тарихида биринчи марта давлатга 4 миллион 668 минг тонна пахта топширилди. Қорақалпоғистон АССР, барча областлар, умуман республика бўйича йиллик планлар ва оширилган социалистик мажбуриятлар бажарилди, пахта етиштириш юзасидан беш йиллик план топшириғи ошириб адо этилди. Давлатга дон, сабзавот, қовун-тарвуз, узум, пилла, каноп, гўшт, сут, тухум, қоракўл тери ва жун топшириш юзасидан беш йиллик план топшириқлари бажарилди.

Халқ хўжалигининг бошқа соҳалари, шунингдек халқ маорифи, маданият, фан, соғлиқни сақлаш, социал таъминот янада ривож топди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ошди.

Халқ хўжалик плани топшириқларининг муваффақиятли амалга оширилиши республика давлат бюджетининг бажарилишини таъминлади. Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг даромад қисми 1970 йилда 103.4 процент қилиб бажарилди. Чунончи, Қорақалпоғистон АССР, барча областлар, Тошкент шаҳри, республиканинг ҳамма район ва шаҳарлари топшириқни уддалай олганликларини айтиб ўтмоқ зарур. Бу нарса халқ хўжалигини ривожлантириш планида кўзда тутилган ҳамма тадбирларни, шунингдек партия ва ҳукуматнинг қарорларига биноан амалга оширилувчи қўшимча тадбирларни маблағ билан бетўхтов таъминлаб туришга имкон берди.

Аммо бизнинг халқ хўжалигимизда резервлар ҳам оз эмас. Бу резервларни сафарбар этиш республиканинг муваффақиятларини оширган бўларди.

Бултур оборотдан тушадиган солиқ пули плани ошириб бажарилди. Аммо бешта соҳа бўйича белгиланган план бажарилиши таъминланмаганлигидан бюджет оборотдан тушадиган 4.6 миллион сўм солиқ пули кам олди.

1970 йилда Андижон ва Самарқанд трикотаж фабрикалари, шунингдек Тошкент трикотаж фирмаси савдо ташкилотларига 6,5 миллион сўмлик трикотаж буюмларини етказиб беролмади. Ана шу сабабга кўра трикотаж саноати 2 миллион сўмдан зиёд оборот солиқ пулини бюджетга беролмади.

Бултур Озиқ-овқат саноати министрлиги умуман оборот солиғидан бюджетга пул тўлаш планини ошириб бажарди. Шу билан бирга бу министрлик айрим соҳалар бўйича бюджетга 1,9 миллион сўм беролмади.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари фойдадан бюджетга пул тўлаш планини 1970 йилда 104,8 процент қилиб адо этдилар.

Аммо Тайёрлаш министрлиги, Қурилиш министрлиги, Монтаж ишлари ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва бошқа баъзи министрлик ва идоралар фойдадан бюджетга ҳақ тўлаш юзасидан белгилаб қўйилган планларни бажара олмадилар. Мана шу министрликлар ва идоралар бўйича тўлов камомати 10,8 миллион сўмга борди.

Бултур Тайёрлаш министрлиги фойдадан бюджетга ҳақ тўлаш мажбуриятини 4095 минг сўмлик, Қурилиш министрлиги 1545 минг сўмлик, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги 1490 минг сўмлик, Қишлоқ қурилиши министрлиги 816 минг сўмлик кам бажарди.

Республиканинг ишлаб чиқариш коллективлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисод режимини кучайтириш тўғрисида»ги Хати тавсияларини амалга ошира борган республиканинг ишлаб чиқариш коллективлари неча ўн миллион сўм пулни, жуда кўп электр ва иссиқлик энергияси, металл, пахта, хом ашёни тежадилар.

1970 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли саноат товар маҳсулоти таннархини пасайтиришдан пландагидан ташқари 28,9 миллион сўмлик маҳсулот тежади. Бироқ, «Главташкентстрой» ишлаб чиқариш харажатларини 2374 минг сўм ортиқча сарфлаб юборди, Қурилиш министрлиги бўйича ортиқча харажат 428 минг сўмни, Давлат матбуот комитети бўйича 144 минг сўмни ташкил этди.

Бултур Пахта тозалаш саноати министрлиги товар маҳсулоти таннархини пасайтиришдан умуман пландагидан ташқари 5 миллион сўмлик маблағ тежади. Аммо Тошкент луб тресги, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд пахта тайёрлаш трестлари ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ортиқча чиқим қилиб юбордилар.

КПССнинг XXIV съезди қарорлари талаб қилганидек, хўжасизликка, исрофгарчилик ва ортиқчаликка қарши қатъий кураш олиб бориб, маҳсулот таннархини пасайтириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилмоқ зарур.

Мамлакатимизда ўтган беш йилликда буюм сифати давлат аттестациясидан ўтказила бошлади. Ҳозирги вақтда бу иш кенг қулоч ёйди. Ўзбекистон ССРда маҳсулотларнинг 16 тури бўйича давлат сифат белгиси берилди.

Ўзбекистон ССР енгил саноатининг баъзи корхоналари 1970 йил мобайнида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ижобий натижаларга эришдилар. Фарғона тўқимачилик комбинати, Тошкент устки трикотаж фабрикаси ва бошқа бир қанча корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳеч қандай эътирозга учрамади. «Таштекстильмаш», «Ташкенткабель», «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг маҳсулотлари яхши чиқди.

Шу билан бирга, маҳсулот сифатининг пастлиги ва сортининг бузилишидан кўриладиган зарар ҳамон катталигича қолмоқда. Шойи газлама, пальто, плашч каби товар турлари бўйича биринчи сорт буюмлар солиштирма салмоғи камайиб кетди. Пойафзал саноати корхоналарининг маҳсулотларига билдирилаётган эътирозлар кўп. Шу жиҳатдан машинасозлик саноатининг айрим корхоналарига кўп эътирозлар билдириш лозим.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директиваларида халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида маҳсулот сифатини барча чоралар билан яхшилашга эришмоқни тақозо қилади. Министрликлар ва идоралар маҳсулотларнинг сифати тўғрисида яхшироқ ғамхўрлик қилмоқлари лозим. Маҳсулотнинг янгиланишини ва сифат белгисини олиш учун аттестациядан ўтишини тезлаштирувчи чораларни белгиламоқ зарур.

Республиканинг Молия министрлиги ва маҳаллий молия органлари 1970 йилда давлат бюджети ижроси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини жадаллаштиришга, янгича планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системасининг афзалликларини янада тўлароқ реализация қилишга, министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий фаолиятини назорат қилишни кучайтиришга, ички хўжалик резервларини ҳамда бюджетнинг қўшимча даромадларини излаб топиш ва сафарбар этиш юзасидан қилинадиган ишларни яхшилашга, моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб рационал фойдаланишга, бошқариш аппаратини такомиллаштириш ва арзонлаштиришга қаратилган зарур чораларни кўрдилар.

Жуда кўп текширишлар ўтказилди иттифоқ-республика ва республика министрликлари ва идоралари, ижроия комитетлар бошқармалари (бўлимлари), корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг молиявий хўжалик фаолияти таҳлил қилинди ва шулар асосида уларнинг ишини яхшилашга доир таклифлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва ижроия комитетлар ана шу таклифлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Министрликлар ва идоралар бухгалтерлик ҳисоб-китобларини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш материаллари бўйича 54,4 миллион сўмлик ички хўжалик резервлари топилиб, шулардан 52 миллион сўми оборот маблағлар камоматини қоплашга сарфланди.

Фойдадан тўланадиган ҳақ ҳисоб-китобларини, шунингдек корхона ва хўжалик ташкилотларининг 1969 йилги ҳисобот ва балансларини текшириш натижасида бюджетга қўшимча 10.2 миллион сўм ўтказилди.

Молия министрлиги иқтисодий ва назорат ишини доимо такомиллаштириб боришга, хўжалик соҳалари, корхоналар ва ташкилотларнинг экономикасини чуқурроқ ўрганишга, ишлаб чиқариш резервларини янада тўлароқ сафарбар этишга ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча чоралар кўрмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети 1970 йилда харажатлар бўйича республика Олий Совети тасдиқлаган пландагига нисбатан 108.6 процент ва аниқланган пландагига нисбатан 105.3 процент қилиб адо этилди. Бултур капитал маблағлар учун бюджетдан 928 миллион сўм ажратилди.

1970 йилда катта капитал қурилиш программаси бажарилди. Давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобининг ўзидан 1654 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Қурилишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қурилишларда ўрнатилмаган машина-ускуналарнинг жуда кўп запаслари уюлиб қолди. 1971 йилнинг 1 январигача 68.8 миллион сўмлик, шу жумладан нормадагидан ташқари 40.7 миллион сўмлик шундай машина-ускуналар бор эди.

Бултур баъзи министрликлар ва идоралар фойда бадали, амортизация пули ва капитал маблағларга аталган бошқа чиқимларнинг плани бажарилишини таъминлай олмадилар. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги 5,6 миллион сўм, Қишлоқ хўжалик министрлиги 4.2 миллион сўм, «Узглавводстрой» 3,3 миллион сўм, «Узсельхозтехника» бирлашмаси 1.3 миллион сўм кам берди.

Капитал қурилиш планлаштирилаётганда капитал маблағлар бир ерга йиғилишига эришмоқ лозим. Қурилиш муддатларини қатъий қисқартириш, асосий куч ва воситаларни бошланган объектларни битказишга сарфламоқ керак. Бундан буён ҳам қурилиш индустриал базасини ривожлантириб бормоқ зарур.

1970 йилда Ўзбекистон ССРда меҳнаткашлар моддий фаровонлигини оширишда, халқ маорифи, фан, маданият ва соғлиқни сақлашни ривожлантиришда янги-янги муваффақиятларга эришилди.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг социал маданий тадбирларни маблағ билан таъминлашга сарфланган харажатлари 1970 йилда 1490 миллион сўмга борди ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаган пландагига нисбатан 100,4 процент бўлди.

Аммо, маориф соҳасидаги баъзи тадбирлар учун мўлжалланган бюджет маблағларидан тўла-тўкис фойдаланилмади.

Мактабгача болалар муассасаларини ривожлантириш плани бажарилмаганлиги сабабли шу мақсад учун аталган маблағларнинг 1164 минг сўмидан, кутубхоналар, шаҳар маданият уйлари ва қишлоқ клублари учун аталган маблағларнинг 636 минг сўмидан фойдаланилмади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директиваларида ижтимоий истеъмол фондларини 40 процент кўпайтириш ва ошиқчасини соғлиқни сақлашни яхшилашга, халқ маорифини ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш ва бола тарбиясига, ишчи, хизматчи, колхозчиларнинг пенсияларини ва ўқувчиларнинг стипендияларини оширишга сарфлаш кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари социал маданий муассасалар соҳасини ривожлантириш планларининг бажарилишига ва уларнинг фаолиятини яхшилашга катта эътибор бермоқлари лозим.

1970 йили республикада бошқариш аппарати структурасини яхшилашга доир катта ишлар бажарилди ва бунинг натижасида бошқариш аппарати сони анчагина қисқарди. Бошқариш аппарати сарф-харажатларининг қисқаришидан тежам 52 миллион сўмдан ошиб кетди.

Халқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш иши ўтказилган тадбирлар билан тугаб қолмайди. Бошқариш аппаратида камчиликлар, исрофгарчиликлар ҳамон бор. Демак, харажатларни яна ҳам қисқартириш учун имкониятлар бор.

Бултур республика Молия министрлиги ва маҳаллий молия органлари штатда белгиланганидан ташқари 1189 та лавозим ва қонунга хилоф равишда оширилган 1687 та маош борлигини аниқладилар. Штатлардаги ҳар қандай ортиқча ўринларга қарши ҳамда бошқаришдаги исрофгарчиликларга қарши сабот-матонат билан кураш олиб бормоқ, структурани такомиллаштирмоқ, маъмурий бошқариш аппаратидаги ортиқча бўлинмаларни қисқартирмоқ, бошқаришда экономика математик методлар билан электрон ҳисоб-техникасини кенг кўламда жорий этмоқ, давлат интизомини мустаҳкамламоқ ва топширилган иш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини оширмоқ зарур.

Халқ контроли органлари ва молия органлари бошқариш аппаратининг такомиллаштириб, қисқартириб борилишини, бошқариш аппаратининг сарфу харажатлари тўғри ва тежогли бўлишини мунтазам равишда назорат қилиб бормоқлари керак.

Сўнгги йилларда КПСС Марказий Комитети хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларининг амалга оширилиши учун меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг мустақиллигини ривожлантиришга ва масъулиятини оширишга қаратилган бир қанча муҳим чоралар кўрди. Мана шу чоралар меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ, посёлка, район ва шаҳар Советларининг фаолиятига яхши ёрдам берди.

1970 йилда Қорақалпоғистон АССРнинг давлат бюджети, областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари даромад ва харажатлар бўйича Ўзбекистон ССР Олий Совети белгилаб берган пландагига нисбатан 105,2 процент қилиб бажарилди. Бултур аниқланган план даромадлар бўйича 103,5 процент қилиб бажарилди. Ўтказилаётган ҳамма тадбирлар маблағ билан ўз вақтида таъминлаб турилди.

Шу билан бирга, бултур баъзи қишлоқ ва посёлка Советлари бюджетларнинг даромад қисми юзасидан қўйилган топшириқларни уддалай олмадилар. Бир қанча областларда асосий фондларни ишга тушириш планлари ва капитал маблағлар планлари бажарилмади, маориф соҳасидаги айрим тадбирларга аталган бюджет маблағларидан тўла-тўкис фойдаланилмади.

КПСС XXIV съездининг қарорлари меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга таъсирини кучайтиришга, хўжалик ва социал маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда ўзларига берилган ҳуқуқлардан кенг кўламда фойдаланишга даъват этади.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари янги беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 1971 йилнинг ўтган вақти ичида республика экономикасини юксалтиришда маълум муваффақиятларга эришдилар.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш планлари, автомобиль транспортида юк ташиш, чакана товар обороти юзасидан белгиланган топшириқлар ва бошқа топшириқлар ошириб бажарилмоқда.

Шу билан бирга, бир қанча корхоналар ва ташкилотлар халқ хўжалик плани топшириқларини уддалай олмади. Давлат бюджетининг даромад қисми умуман ошириб бажарилган бўлса-да, айрим соҳалар бўйича оборот солиқ пули планининг бажарилиши таъминланмади. Баъзи министрликлар ва идоралар фойдадан бюджетга пул ўтказиш мажбуриятларини бузяптилар.

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамиятининг коммунизм йўлидан олға боришида, коммунизмнинг моддий-техника базасини қуришда, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг қарорларини ёппасига қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Улар коммунистик яратувчилик программаси олға сурган вазифаларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида шараф билан адо этадилар. (Қарсаклар).

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида. Суратда: (чапдан) республика Олий Совети депутатларидан — Учқўрғон районидаги «Андижон» колхозининг аъзоси Ч. Қозоқова, Нурота райони ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроева, Жиззах қурилиш материаллари комбинати металл конструкциялари цехи пайвандчиларининг бригадири О. Темиров, Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари Г. Насриддинов, Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Б. Омонов ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

А. — 163. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 03426.